

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# АДОЛАТ

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 23 (1087) • 2016-yil, 3-iyun, juma

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мулақоат янги давлат, янги жаҳият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали равишда нишонлаш учун ҳар томонлама қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Биз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ, энг азиз айём бўлган бу қутлуг сана ўтган тарихан қисқа даврда босиб ўтган гош оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизни, амалга оширган кенг қўламли ислохотларимиз самарасини, қўлга киритган улкан марра ва ютуқларимизни танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш, олдимишга қўйган олий мақсад — энг тараққий топан давлатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда “Ўзбек модели” деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг амалий исботини мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмаган келатганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Кўпни кўрган, меҳнатқаш ва олижаноб халқимизнинг мардлиги ва матонати эвазига эришадиган бундай марра ва натижалар Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтириб, кўпчилик мамлакатларни қўйил қолдираётгани ва уларнинг ҳавасини уйғотаётганини кузатиш қийин эмас.

Олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай оламшумул натижаларнинг асосий омиллини авваламбор тараққиёт йўлимида тўсиқ бўлган турли қийинчилик, етишмовчилик, оғир ва машаққатли синовларни енгиб ўтишда одамларимиз, бутун халқимизнинг дунёқарashi, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бо-

раётганида кўриш даркор.

Энг муҳими, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодимизнинг янги, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касбуналарни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдирини ва келажagini учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб воқеа етаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи куч сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз деб кун тартибига қўйганимиз вақт ўтиши билан нақадар узоқни кўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора аён бўлмоқда.

Мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўтган давр мобайнида она юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётганини, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга ошираётган кенг қўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамини тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган бош гоияни ўзида муҳасса этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

3. Мазкур дастурни тайёрлашда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин:

мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину динанатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажакимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб берганини кенг ёритиш;

мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг галла мустақиллиги, ёқилги-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий

корхоналар барпо этиш ва уларни илгор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишларнинг маъно-мазмунини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб бериш;

юртимизнинг илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккахоқимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланганини чуқур таҳлилий асосда талқин қилиш. Бу борада иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани кўп нарсаларни далил беради. Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келатган нефть ва газ қимёси, нефтьгаз машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг жадал ривожланаётгани билан боғлиқ факт ва рақамларга алоҳида урғу бериш;

мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани, олтинвалюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани мисолида кенг қўламли иқтисодий ислохотларимизнинг амалии самарасини кўрсатиш;

олдимишга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида мамлакатимизнинг халқро майдонда рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан тараққиётимизнинг локомотиви бўлган етакчи тармоқларни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимизда давлат иштирокини босқичма-босқич камайитиб бориш, Конституцияимизда кўзда тутилган хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг самарасини янада кучайтириш каби ўта муҳим йўналишларнинг аҳамиятини жамоатчилигимизга, халқимизга содда ва таъсирчан усулларда етказиш. Жумладан, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича белгилаб олинган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш учун, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, қатъият билан илгарилаб боришимизга асос бўлаётган мезон ва омилларнинг моҳиятини очиб бериш;



ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ



## Болаларга беринг дунёни!

Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон ҳудудий кенгаши фаоллари томонидан Нукус шаҳридаги “Истиклол” болалар дам олиш марказида жойлашган, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли Республика гимнастика турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида “Бола кувончи — олам кувончи” мавзусида тадбир ўтказилди.

Партиянинг “Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур” ижтимоий лойиҳаси доирасида, Халқро болаларнинг ҳимоя қилиш кўни муносабати билан ташкил этил-

ган ушбу тадбирда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, мазкур спорт мактабининг мураббий ва тарбияланувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этидилар.

Учрашувда Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Р.Отарбаев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати А.Бегимова, халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати Р.Ибрагимов, “Ёш адолатчилар” қаноти етакчиси А.Пиржанов ва бошқалар мамлакатимизда ўсиб келатган ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом авло-

д бўлиб воқеа ётишлари, уларнинг замонавий илм-фан ва технологияларни пухта ўрганишлари учун барча имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда спорт мактабининг турли танлов ва мусобақаларда гойибликни қўлга киритиб келатган ўқувчиларига эъзалик совғалари топширилди.

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи ҳамда Болалар боғида бир-бирдан қизиқарли тадбирлар бўлиб ўтди. Атракционлар беғул хизмат қилди, расмлар танлови, спорт мусобақалари болажонлар-

нинг марокли дам олиши ва ўз иқтидорларини кўрсатишига яна бир имкон берди.

— Партиядошларимиз ҳам келажакимиз эгаларини хурсанд этиш, маъмули дам олишлари учун турли тадбирлар ташкил этмоқда, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шерзодбек Валиев. — Бу борада “Ёш адолатчилар” қаноти томонидан “Болаларга беринг дунёни!” шiori остида алоҳида лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳа доирасида ўн кун давомида барча шаҳар ва туманларда тадбирлар ўтказилди.

## 25 ЙИЛ: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



## ЧАҒОНИЁННИНГ ЯРАТИЛАЁТГАН ЯНГИ ТАРИХИ



Юксак нуқтадан назар ташласангиз, Денов тумани ҳудуди улкан амфитеатри эслатади. Шарқда Боботоғ, ғарбда Бойсунтоғ билан ўралган туман замини тоғлар бағридан зинапоё ҳосил қилган ҳолда тушиб келади ва ўртада текисликдан иборат воқеага айланади. Унинг бағрига Сурхондарё, Тўполондарё, Сангардак, Қизилсув дарёлари, Ҳазарбоғ, Ой-барак каналларидан об-ҳаёт инади. Суви мўла, замини унумдор, ҳавоси мусаффо бўлгани учун аждоқларимиз қадим-қадимдан бу ерда қалъалар, кентлар, шаҳарлар барпо қилиб умргузаронлик қилишган.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Давом. Бошланғич 1-бета

қишлоқ хўжалиги соҳасида мулқдорлар синфининг жадал ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етгани, айти шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилиб, мамлакатимиз раванқига муносиб ҳисса қўшаётганини тахлили асосда кўрсатиш;

жамиятимиз ҳаётини бутунлай ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умум-миллий дастурларимизни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки бошқарилган олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилган. Ўзбекистоннинг янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилган. Ўзбекистоннинг янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилган.

Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига бўлган ис-темоли 1,4 баробар, сут ва қандолат маҳсулотлари бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганини;

Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига бўлган ис-темоли 1,4 баробар, сут ва қандолат маҳсулотлари бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганини;

Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига бўлган ис-темоли 1,4 баробар, сут ва қандолат маҳсулотлари бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганини;

ҳимоя қилиш учун амалга оширилаётган улкан ишларга алоҳида аҳамият бериш. Жумладан, давлат бюджетимизнинг социал соҳаларга йўналтирилган йиллик харажатлари изчил олиб бораётганини, биргина 2015 йилда ушбу рақам 60 фоиздан ортганини бу борадаги кенг кўламли ислохотларнинг манфиқий натижаси сифатида кўрсатиш;

ёш авлодимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг моҳиятини, хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин музика ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шугулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етгани ва бошқа мисоллар асосида ана шундай амалий ишларимизнинг аҳамиятини атрафлича ёритиб бериш;

юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва миллий армиямизнинг салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган,

қўлами ва миқдосига кўра улкан ўзгаришлар бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

Бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва оқолини қўз қорачиндек асраш, миллатлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур очиб бериш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ кўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли ми-тақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина ҳиссий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш ҳақидаги ёндашув ва қарашларнинг мазмун-моҳиятини атрафлича ёритиш. Хусусан, мамлакатимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига, ҳарбийларимизнинг хоржий

мамлакатлардаги жанговар операцияларда қатнашишига йўл қўймаслик бўйича қонуний асосда белгилаб олинган қатъий позициясини кенг жамоатчиликка етказиш.

4. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ко-миссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байра-мига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида уч-рашув ва суҳбатлар, алабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гу-руҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бори-ши таъминлансин.

5. Байрам тантаналари арасида фойдаланишга топширилган ишлаб чи-қариш, ижтимоий-маданий объектларни ўз вақтида ишга тушириш чоралари кўрил-син.

6. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгила-нган чора-тадбирлар марказида ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идо-ра раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

7. Маданият ва спорт иш-лари вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентли-ги “Ўзбекнаво” эстрада бир-лашмаси, “Ўзбеккино” мил-лий агентлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Ка-молот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий мар-кази, “Тасвирий ойна”, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, Бадий акаде-мия ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда “Истиқлол фарзандлари” ва “Келажак бизники, марра бизники!” деб номланган ёшлар фести-валларини, “Ўзбекистон – умумий уйимиз” республика дўстлик ва маданият фести-валини, “Миллий ғоя – биз-нинг ғоя” илмий-амалий ан-жуманини, шунингдек, юр-тимиз мустақиллигини таран-нум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика танловининг якуний босқичини ҳамда “Энг улуг, энг азиз”, “Ватан учун яшайлик!”, “Ранглар жилосида – она диёр мадҳи”, “Сени куйлай-

миз, замондош!”, “Истиқлол солномаси”, “Бу – менинг Ватаним” каби анъанавий кўрик-танловларнинг юқори даражада ўтказилишини таъ-минласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тад-бирлари:

Қорақалпоғистон Респуб-ликаси ва вилоятларда маҳал-лий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида респуб-лика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

9. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекис-тон Миллий телерадиокомп-анияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари-га мустақилликнинг йигирма беш йиллик байрамга тай-ёргарлик кўриш ва уни ўткази-ш бўйича амалга ошири-лаётган ишларни атрафлича ёритиб бориш тавсия этил-син.

10. Мазкур қарорнинг иж-росини таъминлаш Ўзбекис-тон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зимма-сига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 2 июнь

## ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

### ФАХР

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбия олиши, ўзи истаган касб-хунарни эгаллаши ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Фарғона вилоятида бўлиб ўтган “Универсиада – 2016” мусобақаларида иштирок этиб, юртимизнинг барча ҳудудлари сингари Фарғонада ҳам спортни тараққий эттириш борасида бекиёб ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, 20 минг ўринли “Истиқлол” стадиони, 3 минг 200 ўринли футбол майдони, ёпиқ сузиш ҳаваси ва бошқа спорт иншоотлари халқаро талабларга мослиги билан кўнглимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Шу билан бирга, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари боис тобора чи-рой очиб бораётган Фарғона дилла-римизни гўзалликка ошно этди. Уни-версиада мусобақаларининг очилиш маросимида Президентимизнинг “Универсиада – 2016” спорт ўйин-лари иштирокчиларига йўллаган таб-риги биз, спортчи ёшларга қанот бўлиб, янги-янги марралар сари рух-лантирди.

Мен 12 йилдан буён бокс билан шугулланаман. Ўтган йиллар мобай-нида 3 қарра Ўзбекистон чемпио-нилигини, 2011 йилда эса Филиппин-да бўлиб ўтган ёшлар ўртасида Осиё чемпионатида олтин медаль соҳиб-и бўлиб, “Халқаро тонфадаги спорт устаси” деган унвонга лойик кўрилдим. Бу натижаларга эриши-шимда “Умид нисоллари”, “Барка-мол авлод” спорт мусобақалари асос вафизини ўтади, десам янглишмай-ман. Фарғонада ўтказилган Уни-версиада беллашуварларида олтин медал-га сазовор бўлдим. Бу муваффақият мамлакатимизда мен каби ёшларга яратилган имкониятлар, спорт соҳа-сига қаратилган эътибор тўғрисида.

Келгусида биз, ёшларга билдири-лаётган юксак ишончга жавобан яна-да юқори натижаларни кўлга кири-тиб, жаҳон чемпиони бўлиш, асо-сийси, юртимизда сadoкат ва ватан-парварлик билан хизмат қилиш ма-қсадида астойдил интиломқдаман.

Жалолиддин ЎКТАМОВ, Жиззах давлат педагогика институти талабаси, “Универсиада – 2016” спорт ўйинлари совриндори

## Давлат бюджетининг ижросини кўриб чиқди

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

1 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатда-ги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ҳамда 2016 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.

Мажлисида тегишли вазир-лик ва идоралар раҳбарлари, соҳа экспертлари, оммавий ах-борот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз асосий молия-вий ҳужжатининг ҳисобот давридаги ижроси яқинда қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуни-га мувофиқ олдидан барча сиёсий партиялар фракцияла-ри ҳамда Ўзбекистон Эколо-мик ҳаракати депутатлар гу-руҳининг мажлисларида, қуйи палатанинг бир қатор кўмита-ларида ҳуқумат вакиллари, Молия вазирлиги, бошқа ман-фаатдор идоралар раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди. Муҳокама ўтказилишидан ол-дин кўшимча материаллар ва маълумотлар сўраб олинди ҳамда мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижро этилиши механизмининг янада такомиллаштиришга қаратил-ган талаб амалий тақлифлар билдирилди.

Куннинг биринчи ярмида депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жам-ғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижросини кўриб чиқди. Мазкур масала юзаси-дан молия вазири Р.Азимов маъруза қилди, кўшимча маъ-руза билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохот-лар кўмитаси раиси А.Шод-монов сўзга чиқди.

Таъкидлаб ўтилдики, ҳисо-бот даврида Давлат бюджетни мамлакатимиз парламенти то-монидан илгари тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан Вазирлар Махсма-

сининг 2015 йил январь ойи-даги мажлисида белгилаб бе-рилган мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш дастурининг энг муҳим устуворликлари аниқ мақсадни кўзлаб амалга оши-рилганлиги иқтисодиётнинг бар-қарор ўсишини ва макро-иқтисодий барқарорлиқни таъ-минлади. Ялли ички маҳсулот-нинг ўсиш суръатлари 8 фоиз-ни ташкил этди, саноат махсу-лотини ишлаб чиқариш – 6,8 фоиз, чакана товар айланми-зи 15 фоиздан зиёд, пуллик хиз-матлар ҳажми – 10,8 фоиз ўс-ди. Мамлакат бюджетни ҳисо-бот даврида профицит билан ижро этилди. Инфляция дара-жаси 5,6 фоизни ташкил этди, яъни прогноз параметрлари до-ирасида бўлди.

Эришилган натижалар, де-путатлар фикрича, иқтисоди-ётда ижобий таркибий сил-жишларга, сифат ўзгаришла-рига ва ижобий тенденциялар-га, шунингдек, самарали пул-кредит ва солиқ-бюджет сиё-сати ўтказилишига хизмат қилди, булар аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишига ёрдам берди.

Ўтган йили ижтимоий соҳа-ни янада ривожлантириш, мам-лакатимиз аҳолисининг турму-ши сифати ва даражасини мут-тасил ошириш масалаларига ҳуқумат томонидан катта эъти-бор қаратилди. Жумладан, 2015 йилда аҳоли жон бошига реал жами даромадлар 9,6 фоиз кўнайдди, бюджет ташки-лотлари ҳодимларининг ўрта-ча ойлик иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва сти-

пендиялар миқдори 21,9 фоиз ўс-ди.

Давлат бюджетининг ва дав-лат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни хар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқди.

Ўзбекистон «Адолат» со-циал-демократик партияси фракцияси аъзолари фикрича кўра, 2015 йилда иқтисодий да-стурнинг тизимли равишда ижро этилиши натижасида асо-сий макроиқтисодий кўрсаткич-ларнинг ижобий ўсиши таъмин-ланди, иқтисодиётнинг барча соҳаси ва тармоқларининг янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратил-ди. Бунда Давлат бюджетни профицит билан ва Олий Маж-лис палаталари томонидан тас-диқланган кўрсаткичларга му-вофиқ ижро этилди.

Илм-фанни ривожлантириш-га катта эътибор қаратилган-лиги, бу эса мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни яра-тиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлардан дало-лат бериши алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ҳисобот дав-рида илм-фанни ривожланти-ришга 2014 йилнинг худди шу давридагига нисбатан 15,9 фоиз кўп маблағ ажратилди. Бунда тармоқлар бўйича давлат ил-ми-техника дастурларининг устувор йўналтирилган молия-лаштиришга 137,4 миллиард сўм йўналтирилди.

Инновацион ишланмалар дастурларини молиялаштириш-га, ноёб объектларни ва илм-фанга хизмат кўрсатувчи му-ассасаларни сақлаш харажат-ларига, илм-фанни ривожлан-тириш билан боғлиқ бошқа ха-ражатларга ҳам катта миқдор-да маблағлар ажратилди. Бу партиянинг дастурий мақсадла-рига тўлиқ мос келиб, партия доимо илм-фанга эътиборни ку-чайтириш, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга ва кундалик ҳаётга фаол татиқ этишни ёқлаб чиққан.



Фракция аъзолари давлат илмий-техника дастурларининг, соҳалар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг, шу-нингдек, инновацион ишланма-лар дастурларининг устувор йўналтирилган молиялашти-ришини янада мақбуллаштириш юзасидан тақлифлар билдири-ди.

Муҳокама давомида билди-рилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифларнинг инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қону-чилик палатаси Вазирлар Мах-камасининг Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил-даги ижроси тўғрисидаги ҳисо-ботини тасдиқлаш ҳақида те-гишли қарор қабул қилди.

Куннинг иккинчи ярмида де-путатлар Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси мо-лия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза билан сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 январда Вазир-лар Махкамасининг кенгайти-рилган мажлисидаги маъруза-сида мамлакатимизда бошлан-ган тизимли демократик исло-хотларнинг ва модернизация-ланнинг, иқтисодиётдаги, би-ринчи навбатда, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги чуқур

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми – 7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-ри етиштириш – 6,7 фоиз, хиз-матлар ҳажми – 12,1 фоиз, ча-кана савдо айланмаси ҳажми – 12,8 фоиз ўсди.

Йил бошдан буён минтақа-ларни ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш ҳудудий дасту-рларини амалга ошириш доира-сида қишлоқ жойларда наму-навий лойиҳалар бўйича зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган 13 мингта яқна тартиб-даги янги шинам уй-жойлар қурилиши бошланган.

Ойилани, оналик ва болалик-ни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлашга, оналар ва болаларни тиббий парварши қилиш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Дастур тадбирларини молия-лаштириш учун жорий йилнинг биринчи чорагида барча ман-балар ҳисобидан қарийб 1,3 триллион сўм миқдориди маб-лағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва дав-лат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил би-ринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни хар то-монлама муҳокама қилиш чо-ғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқди. Депутатлар жорий йил-да Давлат бюджетни кўрсаткич-ларининг барча давлат ва хўжалиқ органлари томонидан сўзсиз ва аниқ ижро этилиши заруратини таъкидлаб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғарма-лари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқ-лаш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати (Материал қисқартirilган ҳолда берилмоқда). С.ШОТУЛАҒАНОВ олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИКПАРВАР СИЁСАТИ

### барқарор ривожланиш асоси

#### ➤ СЕНАТОР МИНБАРИ

Инсон бахти учун зарур моддий ва маънавий неъматларга, аввало, тинчлик орқали эришилади. Зеро, тинчлик бор жойда буюк ва эзгу орзулар дилларга ошно бўлади, уларнинг рўйбига интилади. Эзгу режалар бисёр, саховат йўлидаги ҳаракатлар амалга ошириладиган юрт тинчлик барқарор ўлкадир.

Шундай экан, юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўю тантаналар, шодлигу хуррамлик ярашади, байрамлар татийди, ахиллик ва тотувлик, қут ва барака ҳамдам бўлади. Халқимиз бу олий неъматни доим улуғлаб келишининг, ҳар сафар дуога қўл очганда Яратгандан, аввало, эл-юртга тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва ободлик тилашининг сабаби ҳам шунда.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон олиб бораётган тинч кўнглилик, ижтимоий ҳамкорлик сиёсати жаҳондаги 180 дан ортқ давлат томонидан тан олинди, умумэтироф этилмоқда. Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсатининг асл негизи қонуларимизда белгилаб қўйилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида мустақамлаб қўйилганидек, "Ўзбекистон Республикаси халқро муносабатларининг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташки сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқро ҳуқуқининг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади".

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш

тўғрисида"ги, "Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қатор қонулар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар, турли миллат ва элатлар ўртасидаги ахиллик, ҳамжihatликнинг ҳамда халқимиз бахтли ҳаётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ривожланишнинг "Ўзбек модели" муваффақиятининг бош омили ҳам юртимизда тинч ва осойишта ҳаёт барқарор таъминланаётганидир. Буни дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Чунотчи, Ўзбе-



Холидджон КОМИЛОВ,  
Ўзбекистон Қоҳрамони,  
Олий Мажлис  
Сенати аъзоси

кистонда ялли ички махсулот ўсиши саккиз фоиздан кам бўлмайдиган Жажон банки, Халқро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки каби йирик халқро молия муассасаларининг эътиборига тушган. Улар сингари қўлаб хорижий сармоядорлар мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун юртимизда барча шарт-шароитлар, энг муҳими, даромад олиш, ривожланиш ва тинч фаолият юритиш кафолати бор. Юртимизда ишлаб чиқаришнинг юксалаётгани, бунёдкорлик ва фаровонликнинг бош омили эса тинч-осуда ҳаёт эканига шак-шубҳа йўқ.

Мамлакатимизнинг қабрига борманг, бунёдкорлик, ободончилик ишларининг гувоҳи бўласиз. Зотан, обод, саришта жойда кут-барака бўлади. Бетакдор диёримизнинг кўрку тароватини ўзида намойиш этган пойтахтимизнинг шуқуқига шуқуқ

кўшаётган кенг ва равон йўллар, кўприк ва транспорт боғламалари барқарор эътиборини ўзига тортади. Фахр билан таъкидламоқ лозимки, бундай хайрли ишлар, тинчлик ва тараққиётнинг ҳаётбахш самараси йил сайин чирой очиб бораётган қишлоқларимиз кифа-сида ҳам ўз аксини топмоқда. Бугун қишлоқ ахли замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган кўркам тураржойларда истиқомат қилмоқда. Янги масивларда шарқона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шароити, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, бахаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб тикланаётган уй-жойлар қурилиши қўлаб жорий йилда ҳам янада кенгайгани халқимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмайдиган ишга, муносиб ҳаёт кечиршига хизмат қилаётган. Шунинг натижаси ўлароқ, ҳозирги қишлоқларимизни шаҳарлардан ажратиб мушқул. Улар ҳар томонлама тенглашиб бормоқда. Энг чеққа қишлоқларда бунёд этилган иморатлар ҳам дунё талаби даражасида экани ҳам фикр-шарт-шароитлар, энг муҳими, даромад олиш, ривожланиш ва тинч фаолият юритиш кафолати бор. Юртимизда ишлаб чиқаришнинг юксалаётгани, бунёдкорлик ва фаровонликнинг бош омили эса тинч-осуда ҳаёт эканига шак-шубҳа йўқ.

Инсоннинг инсон сифатида эмин-эркин яшашига имкон яратадиган тинчлик ва тотувлик ўз-ўзидан келмайди. Бинобарин, салкам йигирма беш йиллик мустақил тараққиётимиз йўлида элу юртимиз қанчадан-қанча овир синовларни бошдан кечирганини унутиб бўлмайди.

"Ўзбекистон мустақилликка эришиш останада" китобида кайд этилишича, 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тар-

тибсизликлар ишонинг охирига келиб нихоятда авж олиб кетди. 25 июнь кунин эса Ислоҳ Каримов жанжал-тўполонлар алангаси ичда қолиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очик гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч қим эшитмаган оҳу нолаларини тинглаб, ўзининг юракдан чиққан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли уларнинг калбидаги жароҳатларга малҳам қўйгандек бўлади, қўнғилларда сўнган умид учқунларини уйғотади. Тартиб-интизомни тиклаш, қон тўкилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради. Давлатимиз раҳбарлари бу ишларни битта ният билан – олдида турган қора қўзларнинг ҳаёти, тинчлиги, раванқини таъминлаш мақсадида қилди.

Президентимиз томонидан ана шундай қатъият ва жасорат билан олиб борилаётган оқилона сиёсат сабаб мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб турибди. Бирок ён-атрофимизга уйғок назар ташласак, дунёнинг турли давлатларида нотинчлик сабаб одамлар жисман ва маънавий эзилаётганига, инсон қадри топалаётганига гувоҳ бўлаемиз. Бу мамлакатларда деярли ҳар кунини беғуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётган. Мактаблар, шифохоналар, маданият ва маърифат масканлари, йирик ишлаб

чиқариш иншоотлари, аҳоли турар жойлари харобага айланмоқда.

1993 йилдаёқ давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан турриб, дунё ахли эътиборини Афғонистон можаросига жалб этганди. Президентимиз қўлаб халқро конференцияларда Афғонистондаги вазиятни фарқли равишда кўриб, ҳалқнинг урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигини таъкидлаб келади. Халқро экспертлар бу фикрлар нақадар тўғри эканини қайд этмоқда. Вақтининг ўзи Президентимизнинг сўзлари нақадар ҳаётий, ҳаққоний эканини исботламоқда.

Ўзбекистон халқи тинчликни юксак қадрайди ва ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўйбига чиқишининг муҳим кафолати деб билади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимизда қарор тошган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбаша-

рий қадриятларга уйғун яшаш тамойили янада мустаҳкамланиб бораётган. Зотан, осойишта ҳаёт, аввало, бу одамлар ўзаро ахил-иноқ яшаб, яхши қунарларини баҳамжihat ўтказишидир.

Оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг айрим мамлакатларида бўлаётган нотинчлик, уруш-тўполон, тартибсизликларни қузатар эканмиз, она заминимиздаги тинч ҳаёт, мусаффо осмон билан фахрланамиз. Бугунги кунда Шимолий Африка, Шарқий Европа, Яқин Шарқ минтақасидаги баъзи мамлакатлар ҳалқларининг ҳаловати бузилган. Сайберамизнинг турли минтақаларида рўй бераётган бундай муҳим воқеаларга уйғок кўз, теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш лозим. Бу муаммоларга меннинг дахлим йўқ, деган тушунча билан яшашнинг, бепарво ва лоқайдлик билан қарорнинг даври ўтган. Инсон қалбини тилка-пора қилдиган қонли можаролар тўсатдан пайдо бўлиб қолганини, ушбу мамлакатларга нисбатан узоқ йиллар давомида аниқ мақсадга қаратилган ахборот хуружлари олиб бориладигани эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Хунрезликлар, галаёнлар ортида қандай фарзали мақсад яширинганини соғлом фикрловчи ҳар бир инсон тушуниб турибди.

**Юрт тинчлиги — улуг неъмат, барқарор тараққиёт гаровидир. Шу боис, бу буюк неъматни кўз қорачигидек асраш ҳар бир фуқаронинг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолиши лозим. Зотан, тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон бўлган мамлакатдагина илм-фан, маданият юксак тараққиёт этиши, бунёдкорлик ишлари ривож топиши, юрт гуллаб-яшнаши мумкин.**

## РАСМИЙ МАНБА қонунийликни таъминлайди

### ➤ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасига қўшимча ва "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2015 йил 15 декабрдаги Фармойиши билан тасдиқланган қонунийликни таъминлаш ва қонун устуворлиги соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Жамшид ПИРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда босқичма-босқич равишда "Электрон ҳуқуқ" тизимига ўтилаётган ҳозирги даврда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига интерактив хизматлар кўрсатиладиган ягона портал фаолият юритиб келмоқда. Айни шароитда Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ҳужжатларини мужассамлаштирган ягона расмий манба яратиш тақозо этилмоқда. Тўғри, бугунги кунда [www.lex.uz](http://www.lex.uz) сайтида Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси мавжуд.

Аммо амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба сифатида белгилаб қўйилган сабабли ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан ушбу базадан фойдаланишда чекловлар мавжуд.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаси сифатида белгилаш назарда тутилган бу борадаги чекловларни бартараф этади. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда халқро тажриба чуқур ўрганилган.

Ушбу норма билан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига расмий манба мақомининг берилиши ижрочилар ва аҳолига қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан теъкор, ишончли равишда он-лайн режимида танишиш ва ундан сифатли фойдаланиш имконини беради.

Шу билан бирга, мазкур норманинг ҳаётга татбиқ қилиниши қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳолига ўз вақтида ва тўлиқ етказишга, ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини теъкор ўзлаштиришга қўшимча шарт-шароитлар яратади.

Ўз навбатида, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига кўра Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг жамиятда қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш, мамлакатимиз АКТ юқори даражада жорий этилган илғор мамлакатлар қаторига киришига эришиш каби дастурий мақсад-вазифаларига мос келади. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси фракциядошларимиз томонидан концептуал жиҳатдан тўла қўллаб-қувватланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан фракциянинг нуқтан назари белгилаб олинди.

**Илҳо САХАТОВ,**  
«Adolat» мухбири

### ➤ ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ — ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

1 июнь кунин Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб болалар ва ўсмирлар ўртасида бокс бўйича вилоят очик турнири бошланди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва унинг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят бокс федерацияси ташкилотчилигида "Соғлом бола — юрт таянчи" шиори остида ўтказилаётган очик турнирда Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари, шунингдек, мамлакатимизнинг қатор вилоятлари ҳамда Қозоғистондан жами юз нафарга яқин ёш спортчи 12 вазн тоифасида ўзаро куч синашмоқда.

## “СОҒЛОМ БОЛА — ЮРТ ТАЯНЧИ”

### шиори остида бокс бўйича вилоят очик турнири бошланди

Турнирнинг очилиш маросими тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг замонавий янги биносини фойдаланишга топшириш тантаналарига улашиб кетди.

Тадбирни туман ҳокими кириш сўзи билан очар экан, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барқарор авлодни камол топтириш учун болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг янги биносига тумандаги 400 дан ортқ ўқувчи спортнинг бокс, бадний гимнастика, футбол, каратэ, якка кураш, ўзбек кураши сингари қатор турлари билан шуғулланиши учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрамига тумандаги таълим муассасаларида яна учта замонавий спорт зали фойдаланишга топширилади. Бокс бўйича навбатдаги вилоят очик турнирининг айнан ана шу спорт масканда ўтказилиши эса болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг ушбу турига қизиқишини янада орттиради.



Тантанали маросимда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов, бокс бўйича халқро АИБА тоифасидаги ҳакам — Тошкент вилоят бокс федерацияси раисининг ўринбосари Раҳматхон Тиллаев, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зарифа Эралиева, бокс бўйича жаҳон кубоги

қобиби, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтини кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Владимир Шин ва бошқалар сўзга чиқиб, вилоят спортнинг бокс тури жадал ривожланиб бораётгани, кейинги вақтларда вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда бокс байрамлари ташкил этилаётгани, ўтказилаётган

вилоят очик турнирларида нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатлардан ҳам вакиллар фаол иштирок этаётганини, бу эса мамлакатимизда қўлаб иктидорли спортчиларни кашф этишда муҳим омили бўлаётганини алоҳида қайд этиб ўтишди.

— Доимий комиссияси ташаббуси билан вилоятимиз шаҳар ва туманларида ўтқа-

зилаётган турли ижтимоий-маданий ва спорт тадбирлари аҳоли томонидан илқ кутиб олинмоқда ва бундай тадбирларга бош қўшишни истаган ҳамкор ташкилотлар сони ҳам қўпайиб бораётгани қувонарлидир. Улар орасида сафдошларимиз — Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолари ҳам бор, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раҳбари Зарифа Эралиева.

Тадбирда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан вилоятда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган бир гуруҳ спорт мураббийларига, шунингдек, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 20 нафар ёш спортчи ўғил-қизларга эсдалик совғалари топширилди. Бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан улашилган совғалар ҳам ёш спортчиларни рағбатлантирди.

Шундан сўнг спорт турнирига старт берилди.

Бокс бўйича вилоят очик турнири 4 июнгача давом этади.

**Неъмат ДУШАЕВ**

ХУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИ ЗАРУР

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритаётган депутатлар ҳамда партия фаолларининг сиёсий билими, профессионал маҳоратини ошириш, қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш уларнинг худудларни ривожлантиришдаги иштирокини кучайтириш, сайловчилар ишончини оқлашларида катта аҳамиятга эга.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи Комиссияси ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг худудий кенгашлари билан ҳамкорликда "Сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг доимий электорати манфаатларини ҳисобга олган ҳолда худудларни ривожлантириш дастуридан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзусида семинар-тренинглар бўлиб ўтди.

АНДИЖОН. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими ва Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-тренингда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар туман Кенгашлари депутатлари, ФЖШМҚМИ вилоят худудий бўлими масъул ходимлари, туман партия кенгашлари етакчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Иштирокчилар дастлаб партия гуруҳларининг доимий комиссиялар мажлислари ва сессиялар кун тартибига тақлифлар киритиш, электротар манфаатларини ифода

этувчи масалаларга ечим топишда фаоллигини ошириш, худудлардаги ўз электорати эҳтиёж ва манфаатларини тизимли ўрганиб бориш каби долзарб масалаларга доир маърузалар билан танишдилар. Бу борада мутахассислар ва экспертларнинг тажрибалари ўрганилди.

Таъкидланганидек, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг мазкур худудда яшовчи партия электорати манфаатига боғлиқлигига эътибор қаратиш зарур. Депутатлик назоратининг жамоатчилик назорати билан уйғунлиқда ташкил этилиши ижобий самара беради.

— Кейинги вақтда маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаоллиги ошиб бораётганини

кайд этиш ўринли, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухаррам Дадаходжаева. — Буни улар томонидан сайловчиларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳал этиш мақсадида мутасадди идораларга қону талаби доирасида депутатлик сўрови билан чиқилаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Бирок айрим ҳолларда партия фракцияси ва "Адолат" СДПнинг куйи ташкилотлари билан ҳамкорлик етарли даражада эмаслиги улар фаолиятидаги баъзи камчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Депутатларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимлари ва сайловчилар билан ишлашда малака ва тажрибасини ошириш партия фаолиятини тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Семинарда халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати Шохидохон Валиева ўз тажрибалари ҳақида сўз юритар экан, жорий йилнинг ўтган даврида масъул ташкилотлар раҳбарлари номига худуддаги энг долзарб, сайловчиларни қийнаётган муаммолар ҳақида 9 та депутатлик сўрови киритилганини кайд этди. Депутат ўз сайлов округидаги учрашувлар билан чеклаиб қолмай, бошқа имкониятлардан фойдаланган тарзда жамоатчилик орасига кириб бораётгани ва бунинг натижасида фуқароларнинг ишончи янада ортаётганини таъкидлади. Депутат ҳамма вақт халқнинг бутун ва эртасини ўйлаши, фидойилар сафининг олдинги қаторида бориши зарурлигини билдирди.

Партия гуруҳлари самарали фаолият олиб боришида ОАВлар билан ҳамкорлик ва тарғибот тadbирлари қўламини ошириш катта роль ўйнайди. Шу маънода медиа режалар ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш, маҳаллий ОАВларда ўз ўрнини яратиш зарур. Бунинг учун, биринчи навбатда, депутатлар ташаббус кўрсатиши керак.

— Бугунги тараққиёт ва ахборот асрида хабардорлик ва тезкорлик муҳим аҳамиятга эга, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Асака туман кенгаши раиси Мехринос Каримова. — Маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда интернетдаги ижтимоий тармоқлардан ҳам унумли фойдаланиш электротар билан алоқаларни кенгайтиришнинг қулай йўли саналади.



ҚАШҚАДАРЁ. Депутатлик мансаб ёки лавозим эмас, балки халқнинг ишончидир. Шундай экан, партиядан сайланган депутатлар бугун халқнинг ишончини қай даражада оқлашмоқда?

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими масъул ходимлари, туман партия кенгашлари етакчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда вилоятдаги маҳаллий вакиллик органларида партиямиздан сайланган 64 нафар депутат иш олиб бормоқда. Айтиш жоизки, худудларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этиш, маҳаллий Кенгаш сессияларида электротар манфаатларини ифода этувчи тақлифлар киритишда депутатлик гуруҳлари фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Партия ташкилотларимиз маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан биргаликда фуқаролар қабулларини ташкил этиб, аҳолини ўйлантириб келаётган социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаб, уларнинг ечимларини топишяпти. Мазкур жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Депутатлик гуруҳлари аъзолари томонидан депутатлик сўровидан фойдаланиш, қонун ва қонуности ҳужжатлари ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатиш, сайловчиларнинг муурожаатларида акс этган муаммоларни ўз вақтида ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида депутатларимиз томонидан 10 та масала маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссияларида муҳокама қилиниб, амалий натижаларга эришилди.

— Партия депутатлик гуруҳлари томонидан ҳуқуқ ва ваколатлардан унумли фойдаланишни таъминлаш кўп жиҳатдан партиядан сайланган депутатларнинг мазкур мезёрларни қай даражада амалий қўлай олишига боғлиқ, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Абдуғани Умиров. — Партияимизнинг Сайловдони дастурида бир қанча муҳим ҳаётий воялар, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислохотларга наф келтирадиган режалар илгари сурилган. Шунинг назарида тўтас, партиянинг марказида ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнида фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш керак.

Семинар-тренинг иштирокчилари "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Жамшид Пирматов, халқ депутатлари Китоб туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Шавкат Раҳмонов, ФЖШМҚМИ худудий бўлими масъул мутахассиси Даврон Кесимов, партиянинг Миршкор, Касби туман кенгаши раислари Саодат Очилова, Бобур Юсупов, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Замира Бобоназарова ва бошқаларнинг ҳам кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан маърузаларини тингладилар.

Иштирокчилар томонидан партиянинг куйи ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятининг бир қатор тажрибалари чуқур таҳлил қилинди. Шу билан бирга, Миршкор, Китоб, Деҳқонобод туман партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва партиянинг босма нашрлари билан ўзаро ҳамкорлик борасида амалга ошираётган ибратли ишлари кайд этилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ.

"Сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг доимий электорати манфаатларини ҳисобга олган ҳолда худудларни ривожлантириш дастуридан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзусида семинар-тренинг Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими ва Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг маҳаллий кенгаши раиси Олим Саидовнинг таъкидлашича, депутатлик назорати билан уйғунлиқда ташкил этилиши ижобий самара беради.

— Кейинги вақтда маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаоллиги ошиб бораётганини

Таъкидланганидек, бугунги кунда вилоятдаги маҳаллий вакиллик органларида партиямиздан сайланган 64 нафар депутат иш олиб бормоқда. Айтиш жоизки, худудларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этиш, маҳаллий Кенгаш сессияларида электротар манфаатларини ифода этувчи тақлифлар киритишда депутатлик гуруҳлари фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Партия ташкилотларимиз маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан биргаликда фуқаролар қабулларини ташкил этиб, аҳолини ўйлантириб келаётган социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаб, уларнинг ечимларини топишяпти. Мазкур жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Депутатлик гуруҳлари аъзолари томонидан депутатлик сўровидан фойдаланиш, қонун ва қонуности ҳужжатлари ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатиш, сайловчиларнинг муурожаатларида акс этган муаммоларни ўз вақтида ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида депутатларимиз томонидан 10 та масала маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссияларида муҳокама қилиниб, амалий натижаларга эришилди.

Семинар-тренингда депутатлик гуруҳларининг партия ташкилотлари ҳамда партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари билан сайлов округларида депутатлик фаолиятини ташкиллаштириш, депутатлик назоратини амалга оширишга ўзаро алоқаларни янада кучайтириш зарурлиги хусусида фикрлашиб олинди. Шунингдек, партия депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ОАВ ҳамда партия босма даврий нашрлари билан ҳамкорлигини самарали йўлга қўйишнинг аҳамияти хусусида ҳам фикр алмашилди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА МАЗКУР МАВЗУДА БЎЛИБ

Ўтган семинарда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгашининг масъул ходимлари, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари иштирок этдилар.

— Бугунги кунда партиямизнинг вилоят ташкилоти халқ депутатлари вилоят Кенгашида 8 та, шаҳар ва туман кенгашларида 46 та депутатлик ўрнига эга, маҳаллий вакиллик органларида партиямизнинг саккизта депутатлик гуруҳи фаолият юритмоқда. Булар юқори кўрсаткич ҳисобланмасида, аввалги сайловларда қўлга киритилган кўрсаткичдан юқоридир, — деди вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Исроил Жўраев. — Айни пайтда мазкур депутатлик гуруҳлари фаоллик кўрсатиш орқали худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир масалаларни нафақат доимий комиссиялар, балки маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига ҳам киритиши мумкин. Муфассал муҳокамадан сўнг қабул қилинадиган қарорлар эса дастурий мақсадларимиз учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг муваффақиятини ҳам таъминлайди. Ана шундангина электротар манфаатлари ҳам у ёки бу даражада химоя қилинаётганлиги ҳақида гапирса бўлади. Мазкур семинар-тренингдан кўзда тутилган мақсад ҳам депутатлар ва партия ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаган ҳолда иш юритилишини таъминлашдан иборатдир.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Акмал Бурхоновнинг "Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг мазкур худудда яшовчи партия доимий электоратининг асосий манфаатлари билан боғлиқлиги. Бу манфаатларнинг сиёсий партия дастурий мақсадларида ўз аксини топиши", Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Баҳодир Болтабоевнинг "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида тегишли қарорлар қабул қилишга доир тақлифлар киритиш орқали сиёсий партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқувчи иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш йўллари", вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи масъул ходими Исроил Жўраевнинг "Депутатлик назоратини олиб бориш методикаси. Депутатлик назоратининг фуқаролик жамияти институтлари томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назорати билан ҳам-оҳанглигини таъминлаш" мавзусидаги маърузаларини тингладилар.

Семинар-тренинг иштирокчилари кичик гуруҳларда мавзу юзасидан амалий машғулотлар олиб боришди. Семинар-тренинг якунида дастурий мақсадлар, электротар манфаатлари ва худудларни ривожлантириш дастурларидан келиб чиқиб, фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими вакили Олим Саидовнинг таъкидлашича, депутатлик назорати билан уйғунлиқда ташкил этилиши ижобий самара беради.

Семинар-тренингда депутатлик гуруҳларининг партия ташкилотлари ҳамда партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари билан сайлов округларида депутатлик фаолиятини ташкиллаштириш, депутатлик назоратини амалга оширишга ўзаро алоқаларни янада кучайтириш зарурлиги хусусида фикрлашиб олинди. Шунингдек, партия депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ОАВ ҳамда партия босма даврий нашрлари билан ҳамкорлигини самарали йўлга қўйишнинг аҳамияти хусусида ҳам фикр алмашилди.

БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Жорий йилнинг II чорагида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши таркибига шаҳар ва туманларда бир қатор янги бошланғич партия ташкилотлари сиёсий фаолиятини бошлади. Партия фаолларининг куйи ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, уларда ташаббускор, интилувчан, фидойий аъзолар сафини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари, тарғибот ишлари натижасида БПТлар сони сезиларли равишда ортди.

ҚУЙИ ТУЗИЛМАЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА



Партияимиз сафига янги куч сифатида бирлашган Хазорасп туман "Карвак", "Мухомад" кичик-кўчаларидаги бошланғич партия ташкилотлари, Қўшқўпир туман тиббиёт бирлашмаси, ободлаштириш бошқармаси қошидаги, Гуллаш туманининг "Шоликор" маҳалласидаги ва бошқа янги БПТларнинг аъзолари бошланғич партия ташкилоти сиёсий кучининг таянч бўлини эканини хис қилган ҳолда маслаҳатлашларимиз сафини кенгайтириб, воявий мақсадларимизни амалга ошириш сари дадил интилоқлар.

Апрель ойида "Урганчтрансгаз" шўъба корхонасига қарашли ишлаб чиқаришни техник бутлаш ва таъминот бошқармаси қошида ташкил қилинган БПТ дастлабки кулларда етти нафар аъзо билан фаолият бошлаган бўлса, қисқа вақт ичида улар яна 30 нафарга кўпайди.

— Фаол ишчи-хизматчилардан иборат БПТ жамоаси Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Адолат" — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" Сайловдони дастури доирасида қатор ишларни амалга ошироқдалар, — дейди ишлаб чиқаришни техник бутлаш ва таъминот бошқармасининг "Бутлаш" бўлими муҳандиси, БПТ аъзоси Фуркат Ўринбоев. — Мен ҳам партияимиз сафига туриб сиёсий ва ҳуқуқий билимларимни ошириш, юртимизнинг янада обод бўлишига хисса қўшиб, маслаҳатлаш билан биргаликда тарғибот ишларини олиб боришни мақсад қилганман.

Сафдошимиз — фестиваль голиби ПАРТИЯДОШИМИЗ ЮТУФИ

Мамлакатимизда ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш, илм-фаннинг юксак чўққиларини эгаллашлари учун кенг шарт-шароитлар яратилган. Шу туйғайли иқтидорли ёшлар барча соҳада ташаббус ва шижоат кўрсатишапти. Бу жараёнда Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари ҳам ўз қобилиятларини намоён этиб келишмоқда.



"Президент асарлари билимдон", "Ватан куйчиси", "Энг иқтидорли хунарманд" каби жами саккиз номинация бўйича ижодий бахslashди, — дейди Азиза Ортиқова. — Унда "Президент асарлари билимдон" номинациясида қатнашиб, голиб бўлдим. Эндиликда, республика босқичида вилоят шарафини химоя қилиш бахтига мушарраф бўлганим, чексиз ифтихор бағишлайди.

— Юртимиз тараққиёти, унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бўлиши кўп жиҳатдан агул қамолга етаётган ёшларнинг бақ-заковати, билим-тафаккури ва ғайрат-шижоатига боғлиқ. Шу бос-навброн авлод тарбиясида энг ун-тувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди ушбу касб-хунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси Шаҳноза Асророва. — Эътиборлиси, республика миқёсида ўтказилаётган турли фан олимпиадалари, фестивал, кўрик-тайловларда ёшларимизнинг катта билим ва салоҳиятга эга эканлиги аниқланмоқда.

Жўрабек Жўраев, Вобкент агросаноат касб-хунар коллежи ўқитувчиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси

Комил САХАТОВ, Акбаржон НАЗАРОВ, Олим ХЎЖАЕВ, Нурбек АБДУЛЛАЕВ, "Adolat" мухбирлари

Фестиваль қатнашчилари

### Давом. Бошлангиш 1-бетда

Милодий эрадан олдинги II мингйил илликлар охирида мавжуд бўлган шаҳар ўрни Бадратчена вайронлари остида сақланиб қолган. Ундан кейин Бадратчена яқинида Чагоний кенги ҳозирги Денов шаҳридан 6 километр жанубий ғарбда Қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилиш жойида қад ростилаган. Бундан ташқари, бу воқеада Холжаён, Қулотаева, Оққўрғон, Жартепа, Тешиктепа, Қизқўрғон, Қизилбўлақ каби қадимий мулклар, қалъалар ҳам мавжуд бўлган. Милодий XIII асрдан кейин Денов шаҳри бунёд этила бошлаган. Унинг номи ёзма манбаларда дастлаб XIV аср охири — XVI аср бошларида тилга олинган. Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асаринда у ҳақда "Даҳнаов", яъни "Одамлар кўчи борган янги жой" деган мазмунли билдиради, деб маълумот беради. XVII аср муаррихи Маҳмуд ибн Вали Даҳнаовни ажойиб бозори, катта масжиди, хонақоси ва мадрасаси бўлган мустаҳкам қалъа деб эътироф этади. Тарихи олис ўтмиш билан боғланган Денов деб аталган бу шаҳар бағрида эндиликда қадимий қалъа ўрни ва Сауд Оталиқ мадрасаси мейморий ёдгорлиги сақланиб қолган.

Бузулги кунда Денов Сурхондарё вилоятидаги йирик туманлардан бири ҳисобланади. Денов шаҳри вилоятда катталиги ва аҳолисининг кўпчилиги жиҳатдан Термиздан кейин иккинчи ўринда туради. Шунинг учун туманда ҳам, шаҳарда ҳам ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда юксак натижаларга эришилмоқда. Бунёдкорликлар натижасида шаҳар ва қишлоқлар обод бўлиб, замонавий ва миллий қиёфа касб этмоқда. Барча жабжаларда аҳолининг турмуш тарзи ўзгарди, янги дунёқараш шаклланди, фаровонлик ошди. Бу барча соҳаларда намоён бўлмоқда.

Масалан, 2016 йилнинг 1-чорагида туманда санаот ишлаб чиқариш 107,1 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 153,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотли етиштириш 107,9 фоизга бажарилди.

Туманда жами 209 та, шундан 4 та йирик, 205 кичик санаот корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Кичик санаот корхоналарининг 19 таси енгил санаот, 56 таси қурилиш ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш, 43 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва 31 таси бошқа турдаги санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг 1-чорагида йирик санаот корхоналари томонидан жами 59,2 миллиард сўмлик санаот маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсish даражаси 107,1 фоизни ташкил этди.

2016 йилнинг 1-чорагида йирик санаот корхоналари томонидан 20,8 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб ва бу кўрсаткич 153,6 фоизга етди. Бу ютуқлар туманда шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларнинг янада обод бўлишига йўл очиб бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришига оид кўрсатмалари асосида қишлоқлар янги қиёфа касб этмоқда. Ўтган йиллар давомида Денов туманида 700 дан ортиқ намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилган бўлса, "Соғлом она ва бола йили" да яна 190 та хонадонда ҳовли тўйилари ўтказилди. Айни кунларда "Фаргона" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Водий" маҳалласида ҳам қурилиш ишлари изчиллик билан давом этмоқда.

Худуддан 19,5 гектар ер майдони ажратилиши билан қурилиш-монтаж ишлари бошланганди. Бу ерда 20 дан ортиқ пудратчи ташкилотлар қурувчилари фидойилик кўрсатмоқда. Айни пайтда, янги терий, плита ётқириш ва том ёпиш авжида.

Уйларнинг 170 таси уч, 20 таси тўрт хонани ташкил қилади, — дейди "Ҳазарбоб қурилиш ишлаб чиқариш" масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси Холмирова Шафоатов. — Шундан 21 таси жамоасини томонидан бунёд этилмоқда. Уйларни Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида фойдаланишга топшираман. Маъсуда 21 километр масофада ташқи муҳандислик ва коммуникация ишлари олиб борилади. Ажойиб маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаси ва кўркам маҳалла гузари қўзда тутилган.

Маълумки, аҳолининг турмуш даражаси нафақат даромад манбаи, балки яшаш шароити ва замонавий уй-жойлар билан ҳам белгиланади. Шу боис жойларда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга қўллаб янги массивлар барпо этилмоқда.

Шундай дорилмон кунларга етказганига шаҳар, — дея субхатимизга қўйилган меҳнат фахрийси Саида Абдураимова. — Маълумки, яқин-яқингача қишлоқларда паҳса девор ёки хом ёштдан уй қуриларди. Шароитларимиз ҳам ўзига яраша бўлган. Янги замоннинг уйларини қўриб фахрланаман. Мўъжаз ҳовлида экин экиш, бог яратиш имкони бор. Хулоса қилиб айтганда, қишлоқлар шаҳар кўркини олаётганидан хурсандлар. Янги иморатларда тўйлар бўлади, халқимиз қўллаб қувончи кунларини нишонлайди. Бундай улдувор ишлар замирида юртимиздаги тинчлик, осмонимиз мусаффолиги ва халқимизнинг бунёдкорлиги мужассам.

Денов худуди чўллар тугаб, тоғлар бошлангандан минтақага тўғри келади. Бу — ҳавонинг созланишига қафолат: ёзи салқин, киши мўътадил. Шунинг учун бир вақтлар бу ерда шакарқамиш етиштирилган. Денов хурмоси Ўзбекистондан ташқарида ҳам машҳур. Тўғри, қўшни туманларда, хатто бошқа вилоятларда ҳам хурмо ўстириш мумкин ва шундай бўлаётти ҳам. Аммо хурмо бирор жойда Деновдагичалик серхосил ва ширин бўлмади.

Ана шундай заминда туман дехқонлари ҳалол меҳнат қилишиб, юқори ҳосил етиштириш мактабини яратдилар. Юқори ҳосилни, энг аввало, ерин эъзолайдиган, ёъза ва ғалла агротехникасини яқини билладиган, таъбир жоиз бўлса, ёъза ва ғалла билан дилдан тиллаша оладиган дехқонгина қўлга киритади. Уста пахтакор, миришкор ғаллакорлар қачонки ёъза ва ғалла билан тиллаша олса, экин унга ўз дардини айтади. Масвумда яқини ишлаган, бободехқонларни яқини ишлатган фермернинг даласини қўриб, қўзини қувнайди. Деновда ана шундай ёъза билан тиллаша оладиган, ғалла билан дардлашиш маҳоратига эга бўлган фермерлар — дехқончилик илмининг билимдонлари кўпчилигини ташкил қилади.

Ҳалол меҳнат қилган одамнинг кадри ҳамisha баланд бўлган. Тумандаги "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев ана шундай кишилар сирасидан. У киши билан қай мавзуда гаплаганман, завқ-шавқ оласиз, қурилиш, санаот, ишлаб чиқариш,

тиббийет, таълим соҳаларида тўлиб-тошиб сўзлайди. Айниқса, ишбилармонлик, тадбиркорлик, фермерлик ҳақида сўз очсангиз, соатлаб мулоҳаза юритиши табиий.

Аҳмад Нарзуллаев қишлоқда тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида қолбаса, макарон, сут, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех қуриб, ишга туширди. Натижада қишлоқ ёшларининг 25 нафари иш билан таъминланиб, аҳоли ва бозорларга арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Шунингдек, "Хитоян" маҳалласида умумий қиймати 55 миллион сўмлик спорт комплексини барпо эттирди. Ҳозирги кунда қишлоқ ёшлари миллий кураш, бокс, таэквандо, шахмат ва шашка каби спорт турлари билан мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда.

Шунингдек, умумий қиймати 86 миллион сўмлик ўттиз ўринли замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктини қуриб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Аҳолининг уй-жойига бўлган талабини қондириш мақсадида 2014 йилда 8 нафар кам таъминланган оилаларга қўп қаватли уй-жойларни қуриб, фойдаланишга топширди.

Халқимизда "Даромадга яраша буромад",

## ЧАҒОНИЁННИНГ ЯРАТИЛАЁТГАН ЯНГИ ТАРИХИ



Феруза Ҳалимова онлайин корхона ташкил этиб, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



"Водий" маҳалласида яшовчи Абдулазиз Абдуллаев томорқадан мўл ҳосил етиштириш ҳадисини олган.

деган яқини гап бор. Даромадининг қўлайлиги туғайли "Лочин" фермер хўжалиги мухтожлар, қариялар, ногиронларга хайрия ёрдамлари ҳам кўрсатиб келмоқда. Аҳмад Нарзуллаев туман ногиронлар жамиятини ўз оталиғи олиб, хар байрамда уларга совға-саломлар, моддий ёрдамлар бериб келмоқда.

Аҳмад Нарзуллаевнинг энг катта хизмат-

ларининг адоғи йўқ. Туманда бундай саховатли, ишбилармон инсонлар кўп.

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, кунчиқар мамлакат — Японияда 152 та дорилфунун фаолият юритар экан. Бу рақам Европа давлатларидаги ҳамма олий ўқув юртурларидан ҳам кўп. Бугунги кунга келиб бу

### Келажакнинг мустаҳкам асоси

Денов тумани Сурхондарё вилоятининг ишлаб чиқариши ривожланган, санаоти йилдан-йилга юксалиб бораётган худудларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ялпи ҳажми салкам 570 миллиард сўмни ташкил этганлиги ҳам унинг тараккиятдан дарак беради.

Қўлга киритилган бу маблағнинг бир қисми туман худуди, Денов шаҳрини обод қилиш, миллий ва замонавий шаҳарсозлик асосида қайта қуриш, кўркам масканга айлантириш каби бунёдкорлик ишларига сарфланмоқда. Яқинда бу ерда Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайтадан тикланиб, ободонлаштирилди. Мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бог ичида ёзи концерт зали барпо этилди. Бу ердаги "Нуронийлар чойхонаси" муқаммал равишда таъмирдан чиқарилди. Ўттизга яқин янги қурилган савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юртура бошлади.

Туманда қўқаламзорлаштириш, бог-роғлар барпо этиши, умуман, кўркам масканлар яратиши ишча алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Шредер номидаги боддорчилик ва


туманда 14 та касб-ҳунар коллежи ва битта академик лицейда йиғит-қизлар таълим олмақдалар. Коллежлар ва академик лицей бинолари янгидан, замонавий ҳамда миллий асосда бунёд этилган. Ўқитиш ишлари халқаро андозаларга монанд тарзда олиб борилаётган. Айни пайтда, коллежларда туман ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаёти учун зарур бўлган, хусусан, тиббийет, спорт, педагогика, енгил санаот, тоғ-кон санъати каби соҳалар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бу кадрлар туманнинг ўзида иш билан таъминланмоқда. 6,5 мингдан ортиқ йиғит-қизларни бағрига олган бу коллежларда, академик лицейда Деновнинг келажакни, порлоқ истиқболни яратадиган ёшлар етишиб чиқмоқдалар. Бошқача айтганда, Денов келажак, юрт истиқболли ишончли қўлларда. Бугунги бунёдкорликлар, яратувчиликлар келажакнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Абдуолим БҮРИЕВ,  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Денов туман кенгаши раиси

мамлакатнинг илмий салоҳияти дунёга ёйилаётган, яъни Япония технологияси хатто АКШдай юксак даражада ривожланган мамлакат ишлаб чиқаришига сезиларли таъсир ўтказаятганлиги таълим тизимидаги муқаммалликка бориб тақалади.

Ҳақиқат бундай маълумотларнинг талқини билан бошланган мақсад шуки, баъзан қатъат-катта маблағлар сарфлаб хашаматли лицей-коллежлар қуришини нима кераги бор, деганга ўхшаш мулоҳазаларни эшитишга тўғри келади. Бундай жайдари мулоҳазалар оёғининг тағидан нарини қўрқамасликдан бўлак нарса эмас-да, барибир, бир ҳақиқатни таъкидлаш лозим. Бундан йиғирма беш йил илгари Ўзбекистоннинг барча худудларида замонавий ўқув

лиги шундоқ ҳам кўпчиликлари аён бўлса-да, барибир, бир ҳақиқатни таъкидлаш лозим. Бундан йиғирма беш йил илгари Ўзбекистоннинг барча худудларида замонавий ўқув



Тумандаги 2-ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Асадбек Қариев ўтган ўқув йилида математика фани бўйича "Билимлар беллашуви"нинг мамлакат босқичида ғолиблигини қўлга киритди.

курроллари билан жиҳозланган шундай илм қонақоналари қад кўтаришини хатто тасаввур ҳам қилолмас эдик. Эндиликда уларни, иборали қилиб айтганда, илм ва ҳунар иншоотлари деб атаган бўлар эдик. Хали йиллар ўтади, бошлангич ва ўрта таълимни лицей ва коллежларда мустаҳкамлаган ёшлар амалиёт ва илмнинг жиловини қўлга оладилар, ана

ушанда катта-катта маблағлар сарфлаб қурилган бу илм даргоҳлари мустақиллигининг барқарор пойдевори бўлиб хизмат қилганлигини англаб етамиз. Инсониятнинг минг-минг йиллик тарихи шундан доғлат берадики, илмга сарфланган маблағ ҳеч бир замонда, ҳеч қачон зоё кетмаган. Шунинг учун давлатимизнинг таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун катта маблағ сарфлаётганини фахат олқишламоқ керак.

Аммо шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқ лозим бўлади: мамлакатимизнинг барча худудларида таълимнинг даражасини кўтариш учун сарфланаётган маблағ барчага баробар тақсимланаётган бўлса-

да, эришилаётган натижада турлича, яъни бир-бирдан сезиларли фарқ қилаётганини ҳам эътироф этиш керак. Масалан, Денов туманидаги 1-мактаб жамоаси кейинги йилларда каторасига икки марта «Йил мактаби» кўрик-танловида Сурхондарёда биринчи ўринни олди. Ваҳоланки, вилоятда бунга ўхшаган 812 та умумтаълим мактаби бор. Нима, мутасадди ташкилотлар бу мактабга бошқаларга қараганда кўпроқ маблағ ажратганини ёки бу ерда моддий таъминот бошқалардан зиёدمи? Бултур эса ушбу мактаб «Йил мактаби» республика кўрик-танловида иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Республикада 9727 та умумий ўрта таълим мактаблари бўлатуриб, мамлакатнинг жанубидаги бир қишлоқ мактабининг республика танловида фахрли ўринни олгани қўпларни хайрон қолдириди. Шунинг учун ҳам бултур 17-18 сентябрь кунлари мактабда Халқ таълими вазирининг қўчма хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Вазирилик ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари, мутахассислари мазкур мактабда амалга

Деновликлар белгиланган барча ишларни муваффақият билан амалга оширмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, Деновнинг замани унумдор, олтин билан тенг, халқи меҳнаткаш, қўли гул инсонлар. Шунинг учун бу ерда "Деновнинг ерига араванинг гупчагини эксанг ҳам кўкаради", деган гап юради. Албатта, деновликлар бугунги кунда ўз ерларига араванинг гупчагини экишайтгани йўқ. Улар бу ерларда гўзал шаҳар, қишлоқлар барпо этмоқдалар, заминни обод, кўркам масканларга айлантирмоқдалар, ёшлар учун илм-маърифат йўлини очиб бермоқдалар, ижтимоий тараккиёт йўлларини белгиламоқдалар. Бошқача айтганда, Чағонийёнинг янги тарихини яратмоқдалар.

Суратлар муаллифи  
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (Ўза)

оширилаётган ишларнинг қўламини, таълимнинг самарадорлигига юксак баҳо бердилар.

— Биласизми, бу мактаб... таъмирланмайдми, чунки у ҳеч қачон бунга эҳтиёж сезмайди. Бунинг сабаби... Хосият она бошлиқ жамоанинг энг катта хизмати шундаки, ўқувчиларда мактабга нисбатан жуда катта ҳурмат уйғота олган, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Хайдар Сувонов. — Нимасини яширамиз, қўйингки, хар қарич ерини эъзолайдилар. Ўқувчилар бу ерда тартиб-интизомни сақлашга, одоб-ахлоқни қадрлашга одатланган. Бундай қўнқималарни ҳар қандай раҳбар мактабда бир кунда, бир йилда барқарорлаштира олмайди. Бундай маданиятга эришмоқ учун сурункали ва самарали меҳнат қилмоқ лозим бўлади.

Мактабнинг уйига бор деганларидек, нафақат Хосият Қораева раҳбарлик қилаётган 1-мактабда, умуман, Денов туманида битирувчиларнинг олий ўқув юртига кириш кўрсаткичи жуда юқори — вилоятда иккинчи ўринда туради. 98 та мактаб, 56 минг нафар ўқувчи, 6 минг нафар битирувчиси бор туманда бундай кўрсаткичга эришини... осон эмас! Бу туман мактабларида таълим тизимининг барқарор изга тушганлигининг далилидир. Бундай барқарорликка эришини эса катта жамоанинг катта меҳнати туғайлидир.

Хар бир мактабда, хар бир туманда ўқувчиларнинг нечоғлиқ билимга эгалитини аниқлаб берадиган ижтимоий мезонлар бор. Бу — билимлар беллашуви ва муайян фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадалардир. Денов тумани ўқувчилари 4-5 йилдан бери вилоятда биринчи ўринни ҳеч қимга бермай келди. Ваҳоланки, худди бошқа вилоятларда бўлгани сингари Сурхондарё вилоятда ҳам таълим тизимининг самарадорлигини ошириш учун маблағ барчага баробар тақсимланади. Аммо натижалар хар хил.

Эътибор беринг, 2014 йил март ойида ўтказилган "Йилнинг энг яқини фақи қўқувчиси" кўрик-танлови вилоят босқичида иштирок этган 13 нафар ўқувчилардан 10 нафари совринли ўринларни қўлга киритган. Жумладан, тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг ҳуқуқ фани ўқувчиси Зайниддин Маидонов, 6-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқувчиси Муҳайё Жўраева, 50-мактаб тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқувчиси Бахтиёр Турсунов қабилар вилоятда 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этишди.

2015 йилда ўтказилган "Йилнинг энг яқини фақи ўқувчиси" кўрик-танлови вилоят босқичида туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқувчиси Нарғиза Мустафоева ҳамда 17-ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати кимё фани ўқувчиси Икром Бозоров 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида катнашди.

Бултур 53-мактаб битирувчиси Дилрабо Норқулова Зулфия мукофоти қўлга киритди. 2014 йилда эса ушбу мукофот 79-мактаб ўқувчиси Фарида Тошқўловага насиб этганди.

78-мактаб жамоаси эса қулчиқар мамлакат билан самарали алоқалар ўрнатишга эришган. Шунинг учун Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари бу мактабга тез-тез таширф буюриб турадилар. Амалий ҳаракатлар бос мактаб элчихонанинг 58000 АКШ долларлик грантига сазовор



Денов ёшлари бун вақтларини ана шундай ўтказадилар.

бўлди. Табиийки, бу маблағ мактабда таълимнинг самарадорлигини оширадиган ўқув курроллари сотиб олинга сарф қилинди.

24-мактабнинг инглиз тили фани ўқувчиси Абдусалом Алимардонов бир неча марта халқаро танловларда ғолиблигини қўлга киритган. АКШга бориб, малакасини ошириб қайтди. Таассуротлар эса бир олам...

Эришилаётган натижалар қанчалик яқини бўлмасин, катта ишлар хали олдинда турибди. Энг муҳими, уларнинг ижросига қафолат бор: бу — давлатимиз раҳбариятининг барча соҳаларга катта эътибори, изчил инсонпарварлик, маърифатпарварлик сиёсатидир.

Деновликлар белгиланган барча ишларни муваффақият билан амалга оширмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, Деновнинг замани унумдор, олтин билан тенг, халқи меҳнаткаш, қўли гул инсонлар. Шунинг учун бу ерда "Деновнинг ерига араванинг гупчагини эксанг ҳам кўкаради", деган гап юради. Албатта, деновликлар бугунги кунда ўз ерларига араванинг гупчагини экишайтгани йўқ. Улар бу ерларда гўзал шаҳар, қишлоқлар барпо этмоқдалар, заминни обод, кўркам масканларга айлантирмоқдалар, ёшлар учун илм-маърифат йўлини очиб бермоқдалар, ижтимоий тараккиёт йўлларини белгиламоқдалар. Бошқача айтганда, Чағонийёнинг янги тарихини яратмоқдалар.


Тоштемир ТУРДИЕВ,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

## суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади

### ТАҲЛИЛ

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократик асосда ислоҳ этиш ва эркинлаштириш борасида кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилди. Бунда амалга оширилётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий мақсади айланган. Зеро, ҳар қандай демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.



Жумладан, 2015 йилда АКШ-да фаолият кўрсатаётган Гэллуп институтининг ижтимоий фикрларни ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга иттиҳоб индекси" бўйича ўтказилган сўровларга натижасига кўра Ватанимиз - Ўзбекистон дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллагани, аввало, ўтказилаётган ислохотларимиз меваси ҳамда ислохотларнинг инсонпарварлик кифоасини акс эттирди.

Агар бу соҳада амалга оширилган ишлар жараёнига назар солсак, мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлари босқичма-босқич, тадрижий йўл билан амалга оширилганлигини кўрамиз. Чунончи, **1991-2000 йиллар** суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг биринчи босқичи - ўттиш даври ва миллий давлатлик асосларини шакллантириш жараёни билан ҳамбаркас боғлиқ эканлигига гувоҳ бўламиз.

Бу даврда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида зарурий институционал ва қонуний асослари яратилди. Шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимининг конституциявий кафолатлари ва жиноят-процессуал механизмлари таъминланди. Миллий давлатчилигимиз давлат ҳокимияти тизимида мустақил судлов ҳокимияти тизими ташкил этилиб, унинг жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунийлиги пойдевор шакллантирилди. Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича институтлар фаолияти йўлга қўйилди. Суд жараёнида айболов ва ҳимоя тенглигини таъминлашнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмлари яратилди. Аппеляция тартибида иш юритиш жорий этилди.

**2001-2010 йиллари** ўз ичига олган давр иккинчи босқич -

фаол демократик янгилашлар ва мамлакатни модернизация қилиш, қонунийлик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиш даври бўлди. Ушбу даврда қонунийлик амалиётига биринчи марта жиноят ишларини судда кўриш жараёнига ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институтини киритилди.

Бу даврда давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги фармонида кўра, 2008 йил 1 январдан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Унинг асосида 2007 йил 11 июлда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлди.

Шулар қаторида мол-мулкни мусодала қилиш жазоси бекор қилинди. "Хабас корпус" институтини жорий этилиб, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Ҳимоячининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштирилиб, адвокатнинг ишда иштирок этиш тартиби сингиллаштирилди ва унинг ваколат доираси кенгайтирилиб, далиллар тўплаш ҳуқуқига эга бўлди.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқичи **2011-2016 йиллари** қамраб олади. Амалдаги босқичда суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш ва судлов жараёнини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, судлар жиноят ишлари кўзга тушиб, ҳуқуқига эга субъектлар доирасидан чиқарилди. "Хабас корпус" институтини кенгайтирилиб, айбланувчини лавозимдан четлаштириш,

шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш судлар ваколатига ўтказилди. Суд мажлиси жараёнида айболов ҳуқуқига суд эмас, прокурор томонидан ўқиб эшитирилиши белгиланди. Бунда 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасида белгиланган эҳтиёт чоралари доираси кенгайтирилди. Миллий қонунийликда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда унинг муддатини ўзайтириш судлар ваколатига берилди. Бундан ташқари, 2015 йил 11 августдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида жиноий жазолар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда эркинлаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар доирасида сўнгги йилларда қатор қонунлар қабул қилинди.

Уларда, аввало, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ху-

қуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи идоралар билан ўзаро муносабатларида тадбиркор ҳуқуқи устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ нормалар кучайтирилди. Шунингдек, Жиноят кодексига белгиланган "Сохта банкротлик", "Банкротликни яшириш", "Савдо ёки хизмат кўрсатиш қондаларини бузиш", "Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошқор қилиш ёки ундан фойдаланиш" каби жиноий қилмишлар ярашув институтини таркибига киритилди. Ушбу мақсадда Жиноят кодексининг 66-1-моддасида ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид моддалар доираси янада кенгайтирилди.

Шу ўринда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида судьялар таркибининг сифат жиҳатидан янада яхшилашга эътибор қаратилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли. Юртбошимизнинг бир қатор фармонлари асосида судьялар ҳамда суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофаза-сини кучайтириш, судьялар ма-лакасини ошириш ва судьяларнинг моддий-техника базасини янада такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, судьяликка номзодларни тайёрлаш, уларнинг бил-лими ҳамда маалакасини ошириш бўйича Республика юристлар ма-лакасини ошириш марказида

махсус курс ташкил этилган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий ма-лака комиссиясининг 2013 йил 28 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Судьялар оқиб-атли қондалари" судьяларнинг фаолиятида белгиланган талаб-ларга қатъий амал қилишлари-да муҳим роль ўйнамоқда.

Бугунги ахборот асри талаб-ларидан келиб чиққан ҳолда суд-ҳуқуқ тизимига замонавий ахборот-коммуникация технология-ларини кенг жалб этиш бўйича ҳам тизимли ишлар қилинмоқ-да. Хусусан, 2012 йил 10 декабр-даги Вазирлар Маҳкамасининг "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация техноло-гияларини жорий этиш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги қарори асосида, судлар фаолиятини компьютерлаштириш даражаси-ни ва компьютер техникасида-ни фойдаланиш самардорлигини ошириш, судларда ахборот тиз-ими ҳамда ресурсларини яра-тиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган ин-терфаол хизматлар кўламини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш чоралари қўрилмоқ-да.

2015 йил 10 июндан эътибор-ан мамлакатимиз аҳолиси фу-қаролик ишлари бўйича судлар-га электрон шаклда мурожаат қилиш, ушбу судлар эса чақи-рув қозғолари, қарор нусхалари ҳамда бошқа суд ҳужжатларини электрон шаклда юбориш имко-ниятига эга бўлишди. Бундан ташқари, бир қатор фуқаролик ишлари туманлараро судларида "E-Sud" миллий ахборот тиз-имини фойдаланиш тартиби жо-рий этилди. Шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, ах-борот ҳамда маълумотларни тез ва қулай тақдим этиш мақса-дида Олий суднинг янги веб-сай-ти ишлаб чиқилди. Унда интерне-т-кабулхона, электрон кутубхона, умумий юридикция судьяри-нинг интерактив харитаси, бўш лавозимга ҳужжатлар топшири-ш ва бошқа хизматлар йўлга қўйилганини алоҳида таъкидла-ш лозим.

Мухтасар айтганда, истиқлол йилларида мамла-катимизда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш йўлида амалга оширилган ислохотлар жиноят ва жиноят қонунчилигини такомиллаштириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, энг муҳими, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жаҳонгир ХАТАМОВ,  
Юристар малакасини ошириш маркази тинловчиси

## Ҳуқуқий масалаҳат

— Енгил автомобиль ҳайдовчисиман. Йўл патруль хизмати ходимлари мендан тиббиёт кутучаси, ўт ўчиригим, мажбурий тўхтаганимни билдирувчи белги ва нур қайтаргичлик камзул бор-йўқлигини сўрашди. Айтинг-чи, амалдаги қонунчилик бўйича шу нарсалар бўлмаган ҳолда қандай чора кўрилади?

Г.Қодирова, Тошкент шахри

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2016 йил 1 мартдан эътиборан амалга киритилган "Йўл ҳаракати қондалари"нинг 3-иловасида "Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқловчи шартлар" белгиланган. Ушбу илованинг тегишли бандида М1 тоифаси — йўловчиларни ташини учун фойдаланиладиган ва ҳайдовчининг ўринидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ошмайдиган автомобилотранспорт воситаларида сиз санаб ўтган воситалар йўқ бўлган тақдирда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланиши белгиланган. Шу муносабат билан амалдаги Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддаси 5-қисмида фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситаларини бошқарганлик учун маммурий тавсир чораси белгиланган.

— Йўл транспорт ҳодисаси пиданинг айби билан содир этилса, ҳайдовчида чора кўрилади-ми?

Р.Эшматов, Хоразм вилояти

— Агар ҳайдовчи транспорт воситасини бош-қариб бораётган вақтда пидани "Йўл ҳаракати қондалари" талабларини бузган ҳолда йўлнинг ҳаракат қисмига тўсатдан чиқиб қолиши оқиб-атида йўл транспорт ҳодисаси содир бўлса ҳамда бу ҳолатда ўтказилган суд-трассология ва суд-автоматехника экспертизаларида ҳайдовчи томони-дан пидани уриб юборишнинг олдини олишга техник имконияти бўлмаганлиги тасдиқланса, ҳайдовчи айбдор ҳисобланмайди.

— Отам вафот этганига бир неча йил бўлди. Тазмирталаб бўлиб қолган машинамиз ҳамон у кишининг номида турибди. Уни қандай қилиб ўз номимга ўтказишим мумкин?

А.Хонназаров,

Жиззах вилояти, Пахтакор тумани

— Бундай ҳолларда, аввало, автомобилни таъмирлаб, сўнгга худудий ЙХБнинг рўйхат-лаш ва имтиҳон бўлимига мурожаат қилиш керак. У ерда транспорт воситасининг агрегат рақамлари қайд этиш гувоҳномаси билан солиш-тирилиб, тегишли текширувлардан ўтказилади ва қамчиликлар бўлмаса, қайд этиш гувоҳномаси-га муҳр босилади. Шундан сўнг тангизнинг вафот этганлигини тасдиқловчи ўлимни қайд этиш гувоҳномаси билан давлат нотариал идора-сига мурожаат қиласиз.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХБ инспектори, капитан Акмал ЮНУСОВ жавоб берди.

— Бир танишим ўғирликда гумон қилиниб, ИИБ томонидан суриштирув ва терговга жалб қилинди. ИИБ ходимлари томонидан танишимга суриштирув ва тергов жараёнида унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокат хизматидан фойдаланиш так-лиф қилинди. Танишим адвокат хизматидан фойдаланишдан воз кечди. Гумонланувчи адвокат хизматидан фойдаланишдан воз кечиши мумкинми?

А.Эргашев,

Тошкент шахри

— Ҳа, албатта. Гумонланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан таклиф этилган адво-катнинг хизматидан воз кечиши ва ўзи мустақил равишда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шарт-нома тузиб, бошқа адвокатнинг хизматидан фойда-ланиш ҳуқуқига эки адвокат хизматидан фойдалан-маслик ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 52-моддасига асосан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юртилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячининг воз кечиши ҳаққидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига су-риштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланидиган реал имкони-ятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учраганидан кейин ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланув-чи, судланувчи, шунингдек, адвокат, суриштирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига эъиб қўйилади.

Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчининг, айблан-увчининг ёки судланувчининг кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантирилиши керак. Суд терови давомида ҳимоячининг иштирок этиши ҳақида берилган илтимоснома шунинг ҳолатларини ҳисобга олиб ва судланувчи ҳимоя ҳуқуқини таъ-минлаш манфаатларини кўзлаб, суд томонидан ҳал этилади. Ҳимоячининг суд мажлиси давомида ишга киришиши суд теровини қайта бошлаш учун асос бўлмайди.

Саволга Яшнобод тумани 5-сонли ДНИ катта нотариуси Хуришда ЭГАМБЕРДИЕВА жавоб берди.

# Кимдир тирноққа зор, кимдир...

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Азал-азалдан аждодларимиз, мома ва боболаримиз бола тарбияси, айниқса, қиз фарзанднинг тарбияси, истиқболга жиддий эътибор қаратиб келишган. Чунки, қиз бола — бўлажак рафиқа, келин, она. Унинг бугун оилада қандай муҳитда камол топиши эртанги кунига таъсир кўрсатади. Зеро, аёл оила, жамият ва миллатнинг келажаги ҳисоблан-миш ёш авлодни дунёга келтирувчи ҳамда уларни воёга етказишга масъул шахсдир.

Қашқадарёлик Зарнигор Икромова (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгари-рилган) фарзандларини онаси, опа-син-гиллари, қавм-қариндошлари қарамони-га ташлаб кетганида мана шу оддий ҳақиқатни унутган кўринади. "Қандай қилиб бўлмасин ишласам, меҳнат қил-сам, болаларимга пул юбориб турсам, боксам бўлди-да", деган хомхаёлда Рос-сия Федерациясига йўл олганида фар-зандларининг бугунги ҳам, келажаги ҳам кўзига кўринмаганди.

Бола, айниқса, қиз бола меҳрга зор бўлмасин экан. Зарнигор опанинг кен-жа қизи Мунира ҳам доимо ғамхўр ин-соннинг меҳр-мухаббатига эҳтиёж сезар-ди. Натижада қиз оилада етмаган меҳр-ни кўчадан излай бошлади...

Зарнигор опа қизи хомилдор бўлиб қолганини синглиси Гулмирадан эшит-ди. Зудликда Ўзбекистонга қайтиб кел-ган Зарнигор қизи билан юз берган ходи-са ҳақида маҳалла-қўй, қуда-андалар эшитишини ўйласа, "хали тўй кўрмаган қиз она бўлармиш", "онаси қаровисиз ташлаб кетганидан кейин..." мазмуни-даги гап-сўзларга бардош беролмасли-гини тушуниб етди. Аввалги узок йил-лади, кейин ўйлаб-ўйлаб, Гулмиранинг Бухорога келин бўлиб тушган таниши Шахноза Қамбарованига бориб, хоми-

ладор қизи униқиди бирмунча вақт яшаб туришига кўндирди. Шахноза Муниранинг вилоятдаги таниш шиқорларига кўриққа олиб бориб тур-ди. Хуллас, ой-қуни яқинлашган, Му-нира тўрт мучаси соғлом, пахлаводдек ўғил фарзандни дунёга келтирди. Зар-нигор опа онаси Муаззам хола билан бирга Бухорога етиб келди.

Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Зарнигор опани "Болани нима қиламиз? Ахир, у қизнинг беникоҳ туғилган бо-ласи-ку. Эл-юрт нима дейди? Ундан қан-дай қутулсам бўлади?" мазмунидаги са-воаллар қийнай бошлади.

Ич-этини емира бошлаган гапларни Шахнозага тўкиб солди. Шунда Зар-нигор опа ҳаётдаги яна бир катта хатога йўл қўйди. Яъни "ҳожатбарор" Шахно-за болани сотиб оладиган "харидор" топ-са, сотувдан тушган пулнинг бир қис-мини унга ҳам беришини айтди. Бу так-лифни Зарнигорнинг нуруний онаси Муаззам хола ҳам қўллаб-қувватлади...

Е алҳазар... Турли алдов йўллари би-лан айрим содда, ишонувчан юртдошлар-ни қорғиб, чет давлатларга олиб кетиб, кул қилиб сотаётган кимсалар ҳақида эшитгандик. Аммо ўз набираси-нини сотадиган аёл, оналар, бувилар бор-лигини қандай тушуна бўлади?..



Яқинда бир таниши Шахнозадан фар-занд асраб олиш тартиби ҳақида сўраб-суриштирганди. Шу аёлга кўнғироқ қилиб, кимга бола асраб олиш керак бўлганини сўраб билди олди. Аёлнинг жияни Малика билан боғланиб, 6 минг АКШ долларига бола сотилаётгани, агар пулни келтирса, эндигина туғилган ўғил бола чакалоққа эга бўлишини маълум қилди. Малика уйдагилари билан мас-лаҳатлашиб, таклифга рози бўлди.

— Болани тез беринглар, харидор топ-илди, — деди Шахноза шошилиб, гўё-ки ўша захоти болани элтди бермаса, кейин харидорнинг фикри ўзгариб қола-дигандек.

— Аввал пулни олиб келиб берсин, кейин берамиз, — деди Зарнигор совук оҳангда.

"Мижоз" аввал болани кўргиси кела-ётганини ҳар қанча тушунтирмасин, Шахнозага болани ҳам, унинг туғилган-лик гувоҳномасини ҳам беришмади. Икки ўт орасида қолган Шахноза тани-шидан қарз олиб, "пулнинг бир қисми" деб олдиндан Зарнигорга олиб бориб берди. Шунда ҳам пулнинг ҳаммасини олмагунча туғилганлик гувоҳномаси бе-рибмаслиги шарт билан болани бериб юборишди.

Малика кўп қаватли уйларнинг би-рида яшарди. Кўлидаги гўдак билан юқори қаватга чиққунча ҳаллослаб қол-ган Шахноза болани Маликага топшир-ди, пуллари санади ва гувоҳномани би-роздан сўнг келтириб беришини айтиб, пошганча уйдан чиқиб кетди. Лекин уни пастда ИИБ ходимлари кутиб тургани-ни билмасди, билса, бу даражада шоп-масиди?

Уюшган жиноий гуруҳ аъзолари қонунда белгиланган тартибда жазо олиши, албатта. Лекин кишини маса-ланинг бошқа бир жиҳати ўйлантиради. Эндигина дунё юзини кўрган, бегуноҳ, норасида гўдакни савдо-сотик воситаси-га айлантиришдек қабиҳликка бориб ет-ган бу кимсаларни виждон азоби ҳам қийнармикан?..

Зариф ШЕРОВ,  
Жиноят ишлари бўйича  
Когон шаҳар суди раиси,  
Саодат СОДИҚОВА,  
"Adolat" мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ШХТ: муштарак мақсадлар йўлидаги ҳамкорлик

➤ ШАРҲ

Маълумки, ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, халқаро муносабатларга киришади. Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган даврдан буён бу ташкилот минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган тузилма эканлигини англаган ҳолда, унинг фаол иштирокчиси бўлиб келмоқда.

ШХТ иштирокчи давлатларига Европанинг 60 фоиз ҳудуди тўғри келиб, унда ер курагининг 25 фоиз аҳолиси яшайди, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг тўртдан бири ишлаб чиқарилади. Хозирги кунга келиб, ШХТ йirik минтақавий ташкилот сифатида олтинчи иштирокчи-давлатларни — Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонни бирлаштириб, эндиликда унинг фаолияти дунё ва минтақавий жараёнларга таъсир ўтказиш салоҳиятига эга. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, киска муҳдат ичида ШХТ хозирги замон геосиёсатининг таъсирчан халқаро тузилмасига айланган.

ШХТ кенг қамровли масалалар (хавфсизлик, иқтисодий, маданий, таълим) доираси билан шугулланмоқда. Иштирокчи-давлатлар мунтазам равишда биргаликда аксилтеррор ўқувларини амалга оширмоқдалар.

2001 йилнинг июнида ташкил этилган ШХТда давлатимизнинг иштироки мазкур ташкилотнинг кейинги ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон ШХТга раислик қилган даврда (2003-2004, 2009-2010 йиллар) ташкилотнинг институционал-ҳуқуқий жиҳатдан шаклланиши нуктага назардан муҳим ҳужжатлар имзоланди. Бундан ташқари, Наркотик воститалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланishi қарши курашида ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ҳам диққатга молик воқеа бўлди. Эро, Би-

тим гиёҳвандлик хавфига қарши курашда кўп томонлама ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос яратди. 2010 йилда эса Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

2015 йил 11 июль кунини ШХТ раислиги навбати Ўзбекистон Республикасига ўтди. Унга қадар Ўзбекистон ташкилотга икки марта раислик қилган. Республикаимиз ўтган давр мобайнида ШХТ аъзоси бўлган мамлакатлар билан биргаликда жаҳон ва минтақа аҳамиятига молик муаммолар ҳал этилишида ташкилот салоҳиятини, ўзаро ҳамкорлик мувофиқлашувини янада кучайтириш, ташкилотнинг халқаро майдондаги ролини ошириш юзасидан кенг қамровли ташаббусларни рўйбга чиқариб келмоқда.

Жумладан, 2009 йилнинг декабрида БМТ Бош Ассамблеясида БМТ ва ШХТ ҳамкорлиги тўғрисида Резолюция қабул қилинди. Мазкур икки халқаро ташкилотлар таърибаси ва салоҳиятининг кўпилиши халқаро ва минтақавий ҳамкорликни таъминлашнинг янги истиқболларини очиб берди.

Шунингдек, БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг 2010 йилнинг апрелидаги таърифи доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан ШХТ ва БМТ қотибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши маросимида БМТ раҳбари Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислигига юксак баҳо бериб, унинг тиқлик ва хавфсизликни таъминлаш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг кўпгина дол-



зарб масалалар ечими учун факулда муҳим эканлигини таъкидлади.

Албатта, ШХТ бошқа давлат ва минтақалар манфаатларига қарши қаратилган сиёсий-ҳарбий иттифок бўлмай, у ўз фаолиятида доимо очиклик тамойилига амал қилади. Шу сабабли Хиндистон ва Покистондек икки ядро қуролига эга давлатнинг ШХТга аъзо бўлиши нафакат минтақада, балки сайёраимиздаги хавфсизликни таъминлашни кучайтиради.

Марказий Осиё мамлакатларининг тиқлик, барқарорлик, фаровонлик ва осойишталик сари оидимлаши кўп қиррали иқтисодий ҳамкорлик, тараққиёт эвазига таъминланиши шубҳасиз. Минтақа давлатларининг ниҳоятда бой табиий захиралари, илмий-интеллектуал салоҳияти ҳамда иқтисодий ва технологик имкониятлари муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотик, инвестиция ва бошқа соҳаларда ШХТнинг барча иштирокчилари манфаатларини қўловчи, хусусан, ўзаро ҳамкорликнинг янада ривожлантирувчи муҳим омил бўла олади.

Бу жараёнда юртимиз хавфсизлиги ва барқарор иқтисодий тараққиёт, халқимизнинг осуда, фаровон ҳаёти ва бунёдкорлигини таъминлаш йўлида мамлакатимиз мудофаа қудратини кучайтириш, ташқи таҳдидларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз ҳам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашни бугунги кунда энг долзарб масала сифатида олдимизга қўймоқда. Бу эса хавфсизликни янада мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазоланинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш, четараларимизнинг дахлсизлигини, халқимизнинг тиқ-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида замон талаб қиладиган зарур чораларни амалга ошириш ҳар биримизнинг вазифамизга айланиши тақозо этади.

Президентимизнинг 2016 йил 21 январдаги Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги доирасидаги бошқа тадбирларга тайёргарлик куриши ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорини мувофиқ, мамлакатимизда ушбу йirik анжумани юқори

**Бугунги кунда ШХТ дунёнинг энг нуфузли ва жаҳонда кечаётган жараёнларга таъсир ўтказиш салоҳиятига эга ташкилотга айланган. Шубҳасиз, ШХТ унга аъзо давлатларга дунёнинг турли минтақалари билан иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция учун янги истиқболларни очиб беради ва Марказий Осиёда ҳамда ўз навбатида, халқаро миқёсда хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

Омонулла МУHAMMAДЖОНОВ,  
юридик фанлар доктори

Май ойининг охири кунларида Европа давлатларидан бири — Австрияда президент сайлови бўлиб ўтди. Унда 1992 йилга қадар Австрия социал-демократик партияси (АСДП) фаол аъзоси бўлган, кейинчалик "Яшиллар партияси"нинг раҳбари сифатида фаолият юритган ва сўнги сайловда ўзини мустақил номзод сифатида кўрсатган 72 ёшли иқтисодчи Александр Ван дер Беллен сайловчиларнинг 50,1 фоиз овозига эга бўлиб, голиб деб топилди.

## АВСТРИЯ: сайловда сўл қанот вакили голиб бўлди



Таъкидлаш лозим, расман мустақил номзод сифатида сайловда қатнашган Александр Ван дер Белленни "Яшиллар партияси" ўзининг номзоди, деб эълон қилган.

Сайловнинг биринчи тури шу йилнинг 24 апрелида ўтказилган эди. Бирок ушунда 6 нафар номзоддан ҳеч бири мулқат кўпчилик, яъни сайловчиларнинг 50 фоиз овозига эга бўлмаганди. Австрияда сайлов кунига қадар 16 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга бўлиб, бу йилги сайловларда 6 380 000 нафар австриялик шундай ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин эди. Шундай бўлса-да, сайловнинг биринчи турида 68,1 фоиз сайловчилар иштирок этди. Айни пайтда бу кўрсаткич бундан аввалги, яъни 2010 йилги сайловга нисбатан 14,5 фоиз ортганини англатади.

Шундай қилиб, сайловнинг дастлабки турида нисбатан кўп овозга эга бўлган икки нафар номзод, яъни сўл қанот "Яшиллар партияси" вакили Александр Ван дер Беллен (21,3 фоиз) ҳамда ўнг қанот "Австрия озодлик партияси" вакили Норберт Хоферлар (35,5 фоиз) иккинчи турда беллашди. Гарчи апрелдаги сайловда иккинчи номзод Белленга нисбатан 13,8 фоиз кўп овозга эга бўлган бўлса-да, иккинчи турда вазият ўзгарди ва Норберт Хофер рақибидан 0,2 фоиз кам овоз (49,9 фоиз) тўплаб, мағлуб бўлди.

Юқорида таъкидланганидек, Александр Ван дер Беллен 1992 йилга қадар Австрия социал-демократик партиясининг фаол етакчиларидан эди. 1994 йилдаги парламент сайловида эса номзоди "Яшиллар партияси" томонидан кўрсатилди ва шу йили Миллий Кенгаш депутати этиб сайланди. 1997 йилга келиб мазкур партияни, 1999 йилда партиянинг парламентдаги фракциясини бошқарди. "Яшиллар партияси" атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологияни асраш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда солиқ ислохотларини амалга ошириш, зўравонликларга барҳам бериш, диний бағрикенгликни таъминлаш, демократияни қўллаб-қувватлаш сингари вояларни илгари суриб келмоқда.

Маълумотларга қўра, Ван дер Белленнинг раҳбарлигида парламент сайловларида сўл қанот партиядан сайланган депутатларнинг сафи ортиб борди. Хусусан, 1999 йилда Миллий Кенгашда партия 14 та ўринга, 2002 йилда 17 та, 2006 йилда 21 та ўринга эга бўлди. 2008 йилда эса партия Миллий Кенгашдаги ўрнини биттага қайтарди. Шундан сўнг Ван дер Беллен партия ва фракция раҳбари лавозимини тарқ этиб, 2012-2015 йилларда Вена шаҳар кенгашининг депутати сифатида фаолият юритди. У президент сифатидаги фаолиятини 2016 йилнинг 8 июлидан расман бошлади.

Амалдаги президент Хайнц Фишер мамлакатни 2004 йилдан буён бошқариб келаётган бўлиб, республиканинг саккинчи президенти ҳисобланади. У Австрия социал-демократик партиясининг номзоди сифатида илгари сурилган ва 2004, 2010 йиллардаги президент сайловларида муваффақиятли иштирок этган. Унинг раҳбарлигида 2008 йилда АСДПнинг яна бир фаол аъзоси Вернер Файманн федерал канцлер этиб тайинланди. Фишер раҳбарлигида мамлакатда ишлаб чиқариш, саноат ривожланди. Малакали илмий-ҳодимлар тайёрланиши, яъни таълимнинг сифатини оширишга бўлган эътибор кучайтирилди. Туризм соҳаси тараққий топди.

Мамлакат қонунчилигига мувофиқ, Австрияда президент сайлови ҳар 6 йилда ўтказилади. Бир марта сайланган президент иккинчи мартаба ҳам ўз номзодини илгари суриши мумкин. Мамлакат қонунчилигига биноан, президент янги ҳукуматни шакллантиради, федерал канцлер ва вазирларни тайинлайди, шунингдек, федерал қонунлар қучга қиришини таъкидлайди. Айни пайтда президент қанцлернинг тайинлаш ҳуқуқига эга бўлса-да, бунинг учун аввало уш мамлакат парламентининг қуйи палатаси — Миллий Кенгаш қўллаб-қувватлаши талаб этилади. Шу муносабат билан аксарият ҳолларда парламент сайловларида энг кўп овозга эга бўлган партия раҳбари қанцлер сифатида тайинланади. Бундан ташқари, президент федерал қанцлер, вазирлар ёки бутун бир ҳукуматни истеъфого қилариши, парламент юқори палатаси ҳисобланмиш — Федерал Кенгашнинг розилиги билан Миллий Кенгашни тарқатиш юбориши ҳам мумкин.

Давлат раҳбарининг муҳим вазифалари Австриянинг халқаро муносабатлари ўрнатилишини тартибга солиш билан бовлиқ бўлиб, президент бошқа давлатлар билан дипломатик алоқаларни ривожлантириши, юқори даражадаги расмий таъриф ва учрашувларда иштирок этиши лозим. Шунингдек, президент миллий армиянинг Бош қўмондон сифатида давлат хизматчилари, офицерлар ва судьяларни тайинлайди ёки истеъфого чиқаради.

«Adolat» мухбири  
Соодат СОДИҚОВА тайёрлади.

## ➤ ДАВЛАТ ДАСТУРИ АСОСИДА

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИ янада юқори босқичга кўтарилади

Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Эргаш ХУДОЙНАЗАРОВ билан суҳбат

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаш асосий вазифа сифатида кўрсатиб ўтилган. Буюк келажакимизни кафолатлаб берадиган ушбу умумхалқ вазифаси давлат, жамяят, она, маҳалла, жамоатчилик ва биринчи навбатда, мактаб зиммасига юклатилган. Дастур таълим соҳаси олдига қўйган кечиктириб бўлмас муҳим вазифалар вилоят миқёсида қай даражада амалга оширилмоқда?

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорда зиммамизга юкланган «Соғлом болани вояга етказишда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабга таълим муассасалари тармоғини янада ривожлантириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илгор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этган ҳолда бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тартиб қилиш тадбирларини амалга ошириш» сингари қатор вазифалар фаолиятимизга янгича мазмун ва моҳият бахш этмоқда.

Айни кунда вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфига 531 та умумий ўрта таълим мактаби бўлиб, улардан 44 таси айрим-айрим чуқурлаштирилиб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ҳисобланади. Виллоятимиздаги умумтаълим мактабларидан ўқувчилар сони 273181 нафарни ташкил қилади, уларга 25061 нафар малакали ўқитувчилар юксак савияда таълим-тарбия бериш билан шугулланади. Бундан ташқари, вилоятда 249 та мактабгача таълим муассасаси, 12 та «Барқамол авлод маркази», 15 та мусика ва санъат мактаби, 12 та болалар ва ўсимлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда.

— Бугунги мактаб кечаги мактаб эмас. Истиқлолнинг чорак асри давомида бизда туб моҳияти билан бутунлай бошқа, авваломбор, ўз таълим-тарбия моделини яратган, қолаверса, жаҳоннинг энг илгор педагогик таърибларидан андоза олаётган мактаблар тизими шаклланди. Бу жараёнда инновацион технологиялар барча соҳалар қатори таълимга ҳам дадил кириб келаяпти.

— Жуда тўғри. Виллоят таълим тизимида таълим самардорлигини ошириш бўйича бир қатор самарали ҳамда ўзига хос

янги таълим инновациялари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Бунга мисол сифатида ўқувчиларнинг олган билимларини янада мустаҳкамлаш учун вилоятдаги олий ўқув юрлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганимизни таъкидлаш мумкин. Жорий йилда Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети аниқ ва табиий фанлар йўналишида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилари ташаббуси билан умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида электрон шаклда 4 босқичли «сиртки олимпиада» ўтказилди. Бу олимпиадада голиб бўлган ўқувчилар вилоятнинг нуфузли академик лицей ва касбухона коллежларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида ўрганиладиган фанлар бўйича ташкил қилинган «Йўла, изла, топ» беллашувлари ҳам ўзининг ижобий самарасини берди. Бундан барча мактаб ўқувчилари 18 та фан йўналишлари бўйича беллашди ва вилоятнинг Хазорасп, Хонка, Шовот, Урганч туманларининг умумтаълим мактаблари жамоалари энг юқори натижаларга эришдилар.

— Давлат дастурида янги умумтаълим мактаблари биноларини куриш, бир қанча мактабларнинг мавжуд биноларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан бирга уларни замонавий ўқув мебеллари, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек, қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналиши интерактив электрон доскалар ва бошқа замонавий воситалар билан таъминланади. Бу ўқитувчилар зиммасига янгидан-янги вазифаларни юклатили табиий.

— Худди шундай. Виллоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан 2016 йилнинг май ойида «Энг фаол синф раҳбари» қўриқ-танлови ўтказилди. 4 шартдан иборат танловда Урганч шаҳридаги 5-сонли умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич таълим фани ўқитувчиси Умида Собирова голиб, деб топилди. Навоий вилоятида 2016 йилнинг 28 апрель кунини ўтказилган «Умумтаълим мактаблари таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишининг долзарб муаммолари ва ечимлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида вилоятимиздан 11 нафар ўқувчи



чи ва соҳа раҳбар ходимлари қатнашдилар. Хазорасп туманидаги 8-сонли умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Дадахон Сафаров «Таълим менежментини оптималлаштириш ва математик моделлаштиришнинг замонавий усуллари» ва «Замонавий технологиялардан фойдаланишнинг янги назорат мониторинги» мавзуларида маъруза қилди. Бу педагогик тақдимот республика миқёсида амаллаштиришга тасвир этилди.

— Таълим тизимимизга янги педагогик технологиялар, шу жумладан, ахборот технологиялари кириб келмоқда. Уларни амалиётга дадил жорий қилаётган жамоалар ва педагоглар турли танловларда иштирок этмоқдалар.

— Тўғри. Таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари чуқур кириб келётганини инобатга олган ҳолда, ҳар бир ўқитувчи веб-сайтини ташкил этиш ва унга ахборот жойлаштириш, электрон шаклда ўзаро таъриб аламулувини йўлга қўйиши таъминлаш мақсадида ўтказилаётган «Энг яхши ўқитувчи веб-сайти», «Энг яхши ўқувчи веб-сайти», «Энг яхши мактаб веб-сайти» танловларининг нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Жорий йилда вилоят миқёсида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Энг яхши таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлаш қичқ гурuhlари», «Энг яхши давлат таълим стандартларига риоя этиш мониторингини методик таъминлаш қичқ гурuhlари» танловлари ўтказилди. Шунингдек, ўқувчи-ёшлар ўртасида фан олимпиадалари, «Хуқуқ билимдонлари», «Инглиз тили билимдонлари», «Солиқ билимлари — болаларга», «Еш қутқарувчи», «Мангулик жамоли» каби танловлар ташкил қилинди.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» қўриқ-танловининг республика босқичида вилоятнинг 3 нафар ўқитувчиси — Шарофат Қалаидарова бошланғич таълим фани бўйича 1-ўринни, Рўзагул Собирова немис тили фани бўйича 1-ўринни, Хамаза Божожонов француз тили бўйича 2-ўринни эгаллади.

«Президент асарлари билимдонлари» қўриқ-танловининг республика босқичида Хонка туманидаги 25-сонли умумий ўрта таълим мактаби фахрли 1-ўринни эгаллади. «Хуқуқ билимдонлари» қўриқ-танловининг республика босқичида вилоятнинг «Парламент» жамоаси «Энг тезкор жамоа» номинациясини қўлга киритди. «Энг яхши дарё ишланмалар» онлайн қўриқ-танловининг республика босқичида вилоятнинг 2 нафар ўқитувчиси голиб бўлди. «Солиқ билимлари — болаларга» танловининг республика босқичида Урганч шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Сардорбек Салимов таърифий санъат йўналишида 1-ўрин, Урганч туманидаги 38-мактабининг «Камалак зукколари» жамоаси «Камалак билимдонлари» танловининг республика босқичида 1-ўринни эгаллади.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида таълим ва тарбия савиясини ошириш, спорт ва жисмоний тарбияга, айниқса, қизларимизнинг ушбу йўналишдаги иштирокига алоҳида эътибор қаратаймиз. Шу йилнинг март ойида спорт ойлари ўтказилиб, ҳар бир туманда бештадан намунавий спорт майдончалари шакллантирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Дастур ижроси фаолиятимиз сифати ва самардорлигини янада юқори поғонага кўтариши шубҳасиз.

«Adolat» мухбири  
Хоётбек ҚҮЧҚОРОВ суҳбатлашди.

# ТАБИАТГА МЕХР — ИНСОНГА МЕХР

## 5 ИЮНЬ — ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

Она сайёраимиз шу заминда яшаётган етти миллиарддан зиёд аҳоли, ўсимликлар ҳамда жонзотлардан иборат наботот ва ҳайвонот дунёси учун ягона уй ҳисобланади. Ер билан боғлиқ манфаатлар муштараклигида бу ҳолат яққол намоён бўлади.

Шунга қарамадан, инсон ўзи ҳам борлиқ, яъни табиатнинг ажралмас бир бўлаги эканини била туриб, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, экологик мувозанатни сақлаш ўрнига, қоринни тўқлаган, устини бутлаган она табиатни ўз измига солишни даъво қила бошлади. Айниқса, техника ва технологиялар ривожлангани сайин уни бўйсундириш борасидаги ишлар кўлами ҳам кенгайиб бораверди. Таъбир жоиз бўлса, эртани ўйламадан қилинаётган бундай ҳаракатлар дароҳнинг баланд шохига чиқиб олиб, ўзи ўтирган шохни ўзи аралаётган одамни эслатади.

Табиат учун хос бўлган қонуният ва жараёнларнинг бузилиши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини шу чоккача бир нечта тамаддун айнан табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида таназула юз тутганидан ҳам билиш мумкин.

Бугунги кунда экологик муаммолар глобал кўриниш касб этиб, муайян шароитта мослашган экотизим йўқолиб кетишига, биринчи навбатда, антропоген омиллар сабаб бўлаётгани жаҳон ахлини ташвишга солмоқда. Дунё бўйича йилга қарийб олти миллион гектар ер чўлга айланаётгани, олтинчи мингта яқин ўсимлик, етти мингдан ортиқ ҳайвон турлари йўқолиб кетиш арафасида тургани, инсон томонидан ҳосил қилинаётган чикинди микдори йил сайин кўпайиб, атроф-муҳитта салбий таъсир кўрсатаётгани, хайдаладиган ерларнинг 40 фоиздан ортиғи ирригация ва мелiorация ишларида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани сабабли деградацияга учраб, зироатчилик, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун мутлақо яроқсиз бўлиб қолгани ҳам-жихатлида тегишли чоралар кўришга ундайди.

Акс ҳолда, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сайёраимизда миллионлаб йиллар давомида шаклланиб келган ҳилма-хиллик яқин 50 йил ичида

қарийб 50 фоизга камайиши мумкин экан. Бу қандай оқибатлар олиб келишини эса, ҳатто тасаввурга ҳам сийдириб бўлмайди.

Шу ўринда жаҳон ҳамжамияти эътиборини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда глобал экологик инкирознинг олдини олишга қаратиш ва бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида, 1972 йили 5 июнда Стокгольм шаҳрида ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг экологик масалаларга бағишланган конференциясида Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Хар йили дунё микёсида 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан тадбирлар, кўрик-танловлар, боғ-роғлар яратиш, ободонлаштириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини оширишга қаратилган акциялар ўтказиб келинади.

Дарҳақиқат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, флора ва фауна олами асраб-авайлаш, глобал экологик инкирозга йўл қўймалик — инсоният олдида турган долзарб вазифалардан бири саналади. Биргина ичимлик суви масаласига эътибор қаратсак, айни чокда сайёраимизда 1 миллиард аҳоли санитария мейёрларига тўғри келмайдиган сувдан фойдаланаяпти, 2025 йилга бориб сув танқислигидан 2 миллиард киши азият чекиши кутилмоқда. Охирги 150 йил мобайнида аҳоли жон бошига нисбатан ичимлик суви 4 мартага камайиб кетган. Экин майдонлари эса, аясинач, йил сайин кенгайиб, чуқук сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига йўналтирилмоқда. Саноатда сувга эҳтиёж катта тармоқлар сирасига йўлат эритиш, кимё, нефть-кимё, қоғоз ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналари кирди. Мисол учун, 1 тонна сунъий тола олишга 3,5 тонна сув талаб эти-



лади. Хар йили дунёда 100 миллиард литрдан кўп қадокланган ичимлик суви сотилаётгани ва бу катта даромад келтирадиган тармоққа айланиб бораётгани ҳам ушбу неъматга эҳтиёж юқори эканини аниқлатади.

“Дарё бўйида яшасан ҳам сувнинг бир томчисини исроф қилма”, деган хикматли сўзларга халқимиз азал-азалдан амал қилиб келаётган бўлса, дунёдаги баъзи эзу элатлар бунини кеч тушуниб етмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлашга, табиий ресурсларга оқилона муносабатда бўлишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50 ва 55-моддаларида “Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, дея белгилаб қўйилган. Шунингдек, бу борада халқаро мейёрларга жавоб берадиган йигирмадан ортиқ қонун ва 150 га яқин қонуности ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари амалиётга татбиқ этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий экологик қонуinchиликни ривожлантириш баробарида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг йигирмадан ортиқ қонун ва 150 га яқин қонуности ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари амалиётга татбиқ этилди.

байнида мамлакатимиз атроф-муҳит муҳофазаси бўйича йигирмадан ортиқ конвенция ва халқаро шартномаларга қўшилгани буниги тасдиқлайди.

Кенг кўламли ва изчил чора-тадбирлар натижасида республикаимизда атмосферага зарарли моддалар чиқариш 2 баробар, инф-лосланган оқова сувларни оқизиш 2,2 баробарга камайгани, сунгги бир неча йилда қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланиш 5 баробар қисқаргани, саноат корхоналарида экологик хавфсиз технологиялар жорий этилгани, ишлаб чиқариш чикиндилари қайта ишланаётгани, тозалаш қурилмалари модернизация қилинаётгани ҳам эътиборга молик, албатта.

Атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган вазифаларни бажаришда давлат ташкилотлари билан бир каторда жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок етмоқда. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Экологик ҳаракати энг фаол жамоат ташкилотларидан бирига айланди.

Республикаимизда экологик муаммолар ва атроф-муҳит муҳофазасидаги лоқайдликларга барҳам бериш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш нишда жамоатчи-

лик иштирокининг фаоллигини хар томонлама қучайтириш, бу борада қабул қилинган қонунлар ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг бош мақсадирид.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси иқтисодиётнинг экологик жиҳатдан мутаносиб ривожланиши тарафлари ва экологик муаммоларни ҳал этишда ўз савий-харакатларини, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига қаратади. Барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини химоя қилиш масалаларини фақат давлат бюджетига юклаш тўғри бўлмайди, деб ҳисоблайди. Партия Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан атроф-муҳит инф-лосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини химоя қилишга доир масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловдаги дастурида иқтисодий лойиҳаларнинг экологик экспертизасини қучайтириш, унинг очик ва ошкоралигини таъминлаш, бу нишга ННТ, илмий жамоатчилик, депутатлик корпусини кенг жалб этиш лозимлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Мухтасар айтганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, флора ва фауна олами асраб-авайлаш, келажак авлодга табиий бойликларни бус-бутун етказиш, экологик муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўиш хар биримизнинг олдимизда турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Суюндик МАМИРОВ,  
«Adolat» мухбири

## МАЪНАВИЯТ

“Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида республика бўйлаб ўтказилаётган “Китоб байрами” тантаналари Андижонда ўзига хос байрамга айланди. Айниқса, вилоятдаги марказий зийе маскани — Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказидаги тадбир китобхонларда катта қизиқиш уйғотди.

## КИТОБ — маърифат булоғи

Адабий асарлар халқ маънавиятини юксалтириш ҳамда адабиётга, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва улуглашга давлат даражасида берилаётган эътиборни жамоатчиликка етказиш, ёш авлоднинг онгу шуурига истиқлол ғояларини синдириш ва она Ватанга юксак садоқат руҳида тарбиялашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини қучайтириш мақсадида ўтказилган тадбирга таниқли ёзувчи ва шоирлар, талабалар, коллеж ўқувчилари ташриф буюрдилар. Китобнинг инсон маънавиятини юксалтиришдаги роли ва аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди, иштирокчиларга ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тарқатма материаллар берилди.

Замонавий электрон кутубхона қанчалик ривожланмасин, билимларимизни бойитишда китобнинг ўрни катта, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши раиси Паттоҳон Асханов. — Бу борада, аввало, оилада китобга меҳр уйғотиш, фарзандларимизни китоб оламига етаклаш зарур. Биз ўтказилаётган партиявий тадбирларда ҳам энг муносиб совға сифатида китобни танлаганимиз. Худудий партия кенгашларида китоб бурчаклари ташкил этилаётгани ҳам бежиз эмас.



Вилоятдаги барча таълим муассасаларида “Китоб маънавият ва маърифат булоғидир” мавзусида маърифий тадбирлар, Андижон давлат университетиди “Китоб — миллиятнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси” мавзусида семинар ташкил этилди. Фаол иштирокчилар янги китоблар, жаҳон ва ўзбек адабиёти наомиядаларининг асарлари билан тақдирландилар.

Андижон шаҳри марказида “Китоб олами” мажмуасининг очилиш тадбирлар самарадорлигини янада оширди.

Шу алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикаимизнинг барча худудларида барпо этилаётган бундай мажмуалар китобсеварлар билан гавжум бўлмоқда.

Мухаббат ОТАМИРЗАЕВА,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси

## Бахт — энг яхши дорилфунун

Дўстлар билан баҳам кўрилмаган, фақат ўзимиз баҳра олган хар қандай турмуш фароғати бизга ҳам унчалик татимайди.  
Э. РОТТЕРДАМСКИЙ

Киши бошқаларга қанча шодлик ва бахт улашса, у фақат ўшанча шодлик ва бахтга даъвогар бўлиши мумкин.  
Э. ФЕЙХТЕРСЛЕБЕН

Бошқаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам тонамиз.  
АФЛОТУН

Киши дунёда бой бўлиш учун эмас, балки бахтли бўлиш учун яшайди.  
СТЕНДАЛ

Иложи борича кўпроқ одамларга бахт ҳади қилган киши энг бахтиёр кишидир.  
Д. ДИДРО

Ҳаётда фақат биргина чинакам бахт бор, у ҳам бўлса бошқалар учун яшамокликдир.  
Л. ТОЛСТОЙ

Бахт бошқалар билан баҳам кўрилгандагина барқарор бўлади.  
Ж. ЛАМЕТРИ

Бойлик яратмай туриб ундан фойдаланишга ҳаққимиз бўлмаганидек, бахт келтирмай туриб уни баҳам кўришга ҳам ҳаққимиз йўқ.  
Б. ШОУ

Тўловчи: Умрзоқ АБДУВОҲИДОВ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Юнусобод туман партия кенгаши раиси Маҳбуба Арифхановага отаси **Аъзамхон ЯХЪЯЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



### ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# «АСАКА» БАНК

яқинлашиб келаётган «Мустақиллик куни» байрами муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

## «МУСТАҚИЛЛИК-25»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар хар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**«Асака» банк сармомянгиизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz  
Хизматлар лицензияланган